

АХМАД АТЫЙАТ

ИҮЛ

# بسم الله الرحمن الرحيم

## 1 фасл

### Ўзгартириш воқелиги ва унинг асослари

Маълумки, инсон факат бугунги куни учунгина яшамайди. Балки бу дунё ҳаётидаги келажагига тааллукли бўладими ёки дунё ҳаётидан кейинги ҳаётига тааллукли бўладими, хеч фарқсиз, яқин ёки узок келажаги ҳақида ўйлади.

Инсои воқелиги шундай бўлгани учун инсон ўзи яшаётган воқеликка асло рози бўлмайди. Агар воқелик ёмон бўлса уни яхшилашга, воқелик яхши бўлса уни янада яхшироқ қилишга, интилади. Шунинг учун инсонни ўтмишига ачинаётганини ва доимо келажакка кўз тикаётганини, унга ошиқаётганини кўрамиз.

Ўзгартириш ҳақида фикрлаш ҳаёт учун зарурдир. Зеро, ўзгартириш харакат демакдир. Чунки ҳаёт ривожланиш ва харакатда намоён бўлади. Шунинг учун ҳар бир уммат, ҳар бир шахс ўзгартириш ҳақида фикрлаши ва унга харакат қилиши керак. Ўзгартириш ҳақида фикрламаслик умматни йўқ бўлиб кетишига, шахсларини эса тарқоқ бўлишига олиб боради. Чунки воқеликка бўйсуниб қолиш энг хатарли офат ва энг катта мусибатдир.

Ўзгартириш ҳақида фикрлаш фақат ўз ахволларини ўзгартириш зарурлигини хис қилаётган инсонлардагина мавжуд бўлмай. балки борлиқда ўзгартириши такозо этаётган ҳолат бор экан, у ҳам мавжуд бўлаверади. Шу туфайли киши фақат ахволи ёки жамияти, халқи, уммати ахволини ўзгартириш ҳақида ўйлаш билан чекланмай, балки бошқаларни ҳам ўзгартириш ҳақида ўйлади. Бунга сабаб инсонда «инсонийлик хусусияти» яъни «ўз навини саклаб қолиш» туйғуси бор. Бу туйғу инсонни ўзининг юртида бўладими ёки халқи, уммати орасида бўладими ёки бошқа юртларда бўладими ҳар бир инсонга аҳамият беришга ундейди.

Ҳар бир инсонда ўзгартиришга интилиш бўлсада, бироқ шароитлар, вазиятлар ва омиллар ҳам борки улар бу интилишни сусайтиради ва тўхтатиб кўяди, Ёки аксинча бу интилишни куч билан олдинга ундейди. Бунга сабаб ўзгартириш машаққатли, қийин иш бўлиб улкан харакатларни, катта курбонликларни талаф қиласади. Шу туфайли бу ишга кучли, иродали, ўтқир ақлли, нихоят даражада сезгир бўлган инсонларгина қодир бўладилар. Шу билан бирга одамларнинг ризқларига ва елкаларига миниб олганлар ўзгартиришга қарши турадилар. Сусткашлар, дангасалар, заифлар ўзгартиришни ёқтирмайдилар. Чунки ўзгартириш иши муросасиз кураш олиб бориладиган ишлар жумласидандир.

Ўзгартиришга интилиш кўнгил тўридан келиб чиқсада, ҳаёт воқелари унга ундасада, бироқ ўзгартиришни режалаб беришга ҳар бир инсон қодир эмас. Бунга фикрий етакчи инсонларгина қодир. Бундай кишилар

бошқаларни ишонтириш ёки зўрлик билан ўзгартириш йўлида юришга ундейдилар.

Ўзгартаришга интилиш ҳар бир инсоннинг қалбида бўлиши яққол кўриниб сезилиб туриши билан бирга унинг кучли ёки заифлиги турлича эканлнги ҳам ундовчи омиллари, мақсадлари ва гоялари бир шахсда бошқасиникидан фарқли экани ҳам маълум. Баъзи инсонларни ўзгартаришга бор кучлари билан интилаётганларини ва шиддатли тошқин, кучли бўрон кучи билан ўзгартаришга ҳаракат қилаётганларини кўрсак, баъзилари эса бечора гадой каби ночорлик билан ўзгартаришга чақираётганларини, касал тошбака каби ўзгартаришга қимирлаётганини кўрамиз. Баъзи инсонлардаги ўзгартаришга интилиш факат бир умматнинг ёмон воқелигини эмас, балки оламни гўзал ҳолатга ўзгартаришга йўналтирилганини кўрсак ва бунга ундаётган нарса — Аллоҳни рози қилиш ёки олий қийматлар эканлигини кўрсак, баъзилардаги ўзгартаришга интилиш тирикчилнкни ширинроқ луқмасига эга бўлиш ёки ўткинчи ҳайвоний шаҳватларни қондиришдан нарига ўтмаётганини, ўзгартаришга ундаётган нарса — худбинлик эканини, максади эса арзимас, беҳуда эканлигини кўрамиз.

Ўзгартаришга ундаётган нарсаларни ундан кўзланган мақсад ва гояларни ўзгартаришни кучли ёки заифлигини ҳар хил, ихтилофли бўлишига сабабчи омилларни дикқат билан текшириб кўрсак, унга таъсир кўрсатаётган кўплаб омиллар борлигини кўрамиз. Бу омилларнинг энг асосийси фикрий англаш (тушуниб етишдир)дир. Буни шундай шарҳлаймиз:

Инсон қачонки воқелик бузуқлигини ёки ёмонлигини ёки кўнгилдагидек яхши эмаслигини билсагина ўзгартариш ҳақида фикрлайди. Бундай билиш эса воқеликни бузуқлигини ҳис қилиш сезиш билан ҳосил бўлади. Чунки фикрий жараён (яъни фикрлаш) учун воқеликни ҳис килиш, сезиш асосий шартдир. Инсон бирор нарсани ёки унинг бирор аломатини ҳис қилмас экан, у нарсани билиши ёки тушуниши мумкин эмас. Бузуқлик ҳам воқелик бўлиб, унинг ҳис килинадиган аломатлари борлигидан инсон бу воқеликни ўзгартариш ҳақида фикрлаши пайдо бўлиши учун бу воқеликни ва унинг бузуқлигини ҳис қилиши зарур. Демак, воқеликни бузуқлигини ҳис қиласа, уни англаб етади. Қачонки воқеликни бузуқлигини англаса уни ўзгартариш ҳақида фикрлай бошлайди. Бироқ маълумки, бузуқликни ёки улуғворликни, ботирлик ёки кўркувни, обрў-эътиборга путур етказувчи нарсани ҳис қилиш билан музнинг совуқлиги ва асалнинг ширинлиги, қалампирнинг аччиқлиги каби моддий нарсаларни ҳис қилиш ўртасида фарқ бор. Бунга сабаб шуки: барча инсонлар моддий нарсаларни ҳис қилиш учун керакли бўлган сезги аъзоларига эгадирлар. Гарчи бу сезги аъзоларини ҳис қилиш даражаси

инсонлар ўртасида бир хил бўлмай озгина тафовутли бўлсада, бироқ бузуқлик, яхшилик, ёмонлик, шон-шараф каби моддий бўлмаган нарсаларни ҳис қилиш эса инсонга булар устидан қандай ҳукм чиқаришни белгилаб берувчи сабиқ фикр (олдиндан берилган маълумот)га муҳтож бўлади. Шундан келиб чиқиб, моддий нарсаларни ҳис қилишни ҳиссий идроқ, билиш деб, моддий бўлмаган нарсаларни ҳис қилишни эса фикрий ҳис қилиш деб номланган.

Инсонлар ўртасида фикрий тафовут (фарқ) бўлғанлигидан уларнинг фикрий ҳис қилишларида ҳам тафовут бўлиши табиийdir. Масалан, бир одамда маълум бир нарса ҳақида сабиқ фикр бўлгани учун уни бузуқлигини кўра олса, бошқа одамда бундай сабиқ фикр йўқлигидан уни бузуқлигини кўрмайди. Баъзи инсонлар зулм қилинаётганини осонлик билан ҳис қилсалар, бошқалар эса буни ҳис қилмайдилар ёки ҳис қилишлари жуда қийин кечади. Фикрий тафовут ва ихтилофга кўра инсонлар моддий бўлмаган ишларни ҳис қилишлари яъни фикрий ҳис қилишларида бир бирларидан фарқ қиладилар. Инсонлар фикрий ҳис қилиш жихатидан уч тоифага бўлинадилар:

1. Ўткир ҳис қилувчилар. Бундай инсонлар бузуқликни ёки унга ўхшаган ҳолатни тез ҳис қиладилар.

2. Оддий ҳис қилувчилар. Улар бузуқликни ҳис қилишлари учун бир оз ҳаракат қилишга муҳтож бўладилар.

3. Ўтмас ҳиссли одамлар. Бундай одамлар шу тоифадаги ҳис қилишлари билан бузуқликни ҳис қилишлари учун катта ҳаракатга муҳтож бўладилар.

Шу туфайли ҳис қилиш вужудга келиши учун, сўнгра ўзгартириш ҳақида фикрлаш юзага келиши, кейин эса ўзгартиришга ҳаракат қилиш учун англаш ва сабиқ фикр зарур. Бузуқликни ёки бузуқ воқеликни ҳис қилиш нақадар кучли бўлса, ўзгартиришга ҳаракат қилиш ҳам шунча кучли бўлади.

Бироқ, бузуқликни ёки бузуқ воқеликни англаб етишни ўзи ўзгартириш учун ҳаракат қилишга етарли эмас. Балки бунга қўшимча равишда бузуқ воқеликни ўрнини босувчи воқеликни ҳам билиш, англаш зарур. Бу эса англаш (билиш) масаласидаги иккинчи қийинчиликдир. Биринчи қийинчилик бузуқ воқеликни англаб етиш ва ўз навбатида бузуқликни ҳис қилиш бўлса, иккинчиси бу бузуқ воқелик ўрнини босувчи воқеликни билишдир. Бундай хulosамизга сабаб: ўзгартириш иши мақсадсиз, беҳуда иш бўлиб қолмасин, балки мақсадли ва аниқ бир гояга йўналтирилган бўлсин.<sup>1</sup>

Мана шу туфайли фикрий англаш ўзининг икки қийинчилиги (воқеликни англаш ва бузуқ воқеликни ўрнини босувчи воқеликни англаш) билан ўзгартиришнинг асоси ҳамда фикрлаш жараёнига таъсир

күрсатувчи мухим омилдир. Инсоннинг фикрий англаши (билиши) ортиб борган сари фикрий масалаларни ҳис қилиши ҳам ортиб боради, ривожланади, ниҳоят даражада ўткирлик даражасига етади. Бу хulosани изоҳлаш учун қуйидаги мисолни келтирамиз: Ҳукмронлик ва улуғлик сутини эмиб, иззат-икром ва хурмат-эътибор муҳитида вояга етган шахс билан хорлик ва тубанлик сутини эмиб, хўрлаш ва таҳқирлаш ботқогида тарбия топган шахсни олиб келиб иккаласини бир хилда хўрланса, икковининг реакцияси бир хил бўладими ёки турлича бўладими? Биринчи шахс ҳам хорликни иккинчи шахс қабул қилгандек қабул қиладими? Бундай муносабатга қарши иккаласининг исёни бир хил даражада бўладими? Табиийки буни жавоби аниқ, яъни биринчи шахс собық билими-англаши туфайли ва хурмат-эътиборга ўргангани натижасида хорликни қабул қилмайди. Иккincinnи эса асло жунбушга келмайди. Чунки у хорланиш ва таҳқирланишга ўрганиб кетган. Дунёга келгандан бери хорликда яшайди. Хорлик инсоннинг шарафига зид иш эканини билмаган. У хорланиш ва таҳқирланиш ҳаётнинг ажралмас бир қисми деб биладиган эшакка ўхшайди. Шу туфайли ҳаётни хорликсиз тасаввур эта олмайди. Унинг ҳолати қоронғу зиндан деворлари ичida туғилиб ўсган инсоннинг ҳолатига ўхшайди. Бундай инсон зиндандан ташқарида зиндан шароитларидан кўра фойдаланишга афзал шароитлар бўлиши мумкинлигига ишонмайди, уни тасаввур қилиши ҳам қийин. Зинданни зиндан деб аташга кўнмайди. Чунки у зиндандан бошқа ерни билмайди ва ўзи туғилиб ўсган зинданни яшаш учун табий жой деб билади.

Биринчи хур инсон эса, хўрлаш унинг қонини қайнатиб юборади. Чунки у бу сўзнинг маъносини жуда яхши ҳис қиласди. Аслида инсонни хорлаш эмас, балки хурмат-эҳтиром қилиш, улуғлаш кераклигини билади.

Хулоса шуки, ўзгартириш муқаррар иш. Ҳар бир инсон ўзидаги ўзгартиришга интилишни ҳис қиласди. Бироқ бу интилиш инсонлар ўртасида турлича бўлиб, максадлари ҳам ҳар хилдир. Мана шундан ўзгартириш харакатини кучидаги тафовут юзага келади. Буларнинг барчасини асоси бузук воқеликни ва унинг ўрнини босувчи воқелик борлигини фикрий англашдир. Шунинг учун муфаккирлар ўткир ҳис қилувчи инсонлар собық омилларни (фикрларни) етарли даражада англаб етишлари ва одамларни ўзгартириш учун харакат қилишга рағбатлантириш, ундаш учун уларда фикрий ҳис қилишни вужудга келтиришга интилишлари зарур. Бу ишни эса ҳукмрон воқеликнинг бузуқлигини тушунтириш орқали ва бузук воқеликни ўрнини босувчи воқеликни тушунтириб бериш орқали ҳамда бу воқеликни гўзал суратда, ёрқин тасвирда кўрсата олиш билан амалга оширилади. Бусиз бирорта ўзгартирувчи харакат муваффакият қозона олмайди. «Зулм исённи келтириб чиқармайди. Балки зулмни ҳис қилиш исённи туғдиради».

Юқорида айтилган гаплардан ўзгартиришнинг асосий омиллари маълум бўлади. Яъни бузуқ воқелик ҳақида собиқ фикрий англаш (билим) бўлсагина ўзгартириш ҳақида фикрлаш ёки унга интилиш юзага келиши мумкин, Юқорида ўтган гапларга қаттиқ эътибор бериш зарур. Бироқ шу ўринда яна бир қанча ишлар ҳам борки ўзгартириш жараёнига киришишдан олдин уларни билиб кўйиш керак. Булар:

а) ўзгартириш иши қийин, машаққатли иш бўлиб, унга кучли умматлар, халқлар ва шахсларгина қодир бўладилар. Аммо тубан умматлар, қўрқиши ва уятиш эгаллаб олган дангаса шахслар то ўзларини ўзгартирмагунча ўзгартириш ишига қодир бўлмайдилар.

إِنَّ اللَّهَ لَا يُغَيِّرُ مَا بِقَوْمٍ حَتَّىٰ يُغَيِّرُوا مَا بِأَنفُسِهِمْ

— „...Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмагунларича Аллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас...“ [13:11]

б) ўзгартириш иши шунчаки ўзгартириб кўйиш бўлмаслиги, балки аломатлари аниқ, белгиланган мақсад учун бўлиши керак.

Воқеликни қандайдир янги воқеликка ўзгартириш эмас, балки олдиндан маълум янги воқеликка ўзгартириш лозим. Бу янги воқелик бизнинг ҳозирги ҳолатимизда мавжуд воқеликка, унинг барча салбий томонларига зид бўлган, ундан кўра тараққий этган, умматга обрў-эътиборини, баҳт-саодатини, хотиржамлигини кафолатлайдиган янги воқелик бўлиши лозим.

в) ўзгартириш иши ҳар қандай дуч келган йўл билан эмас, балки одимлари белгиланган режа асосида, равшан йўл орқали бўлиши керак. Токи ҳаракат мобайнида зое кетмаслик, мақсаддан бошқа томонга кетиб қолмаслик таъминлансан. Шунинг учун «ўзгартириш учун шайтон билан иттифоқ тузиш», деган гапга қўшилишимиз аҳмоқликдир. Чунки шайтонни борар жойи жаҳаннамдир. Шунинг учун шунчаки ўзгартириб кўйиш тентакликдир. Чунки умримиз зое кетгандан ёмғирдан қочиб дўлга йўлиқканимиз, сароб ортидан юрганимиз маълум бўлади.

Демак, ишга киришишдан олдин ғоя ва йўл аниқ-тиник белгиланган бўлиши керак. Акс ҳолда тўғри йўлда кетаяпмиз деб ўйлаб, ер шарини айланиб чиқкан, юриб-юриб ерни думалоқ эканлигига ишонч ҳосил қилган ғофил кимсалар қисмати бизнинг бошимизга тушади.

г) мақсадга эришиш ва кўзланган ғоя рўёбга чиқиши учун жиддий фикрлаш ҳамда жиддий ҳаракат қилиш ўта муҳимдир.

Жиддий фикрлаш шундайки шунчаки беҳуда эмас, аниқ мақсад учун фикрлашдир. Фикрлаш бу мақсадни амалга ошириш учун ҳаракатларни ишлаб чиқараётган бўлса, бундай фикрлашда жиддийлик борлигини билдиради, Жиддий ҳаракат қилиш эса қилинаётган ҳаракат кўзланаётган

ғоя даражасида бўлишидир. Демак, ўзгартириш хақида фикрлаш шунчаки фикрлаш бўлмай, балки жиддий бўлиши яъни аниқ бир ғояни рўёбга чиқариш учун бўлиши керак. Ўзгартириш учун қилинаётган ҳаракат жиддий бўлиши яъни сарфланаётган саъти ҳаракатлар кўзланган ғоя даражасида бўлиши керак.

Тўлиқ равшан бўлиши ва ёрқин тасаввур қилниши керак бўлган юкоридаги баъзи ишлардан хулоса қилиш мумкин: ўзгартириш жараёнинга киришишдан олдин ўзгартиришдан кўзланган ғояни ва бу ғояга олиб борувчи йўлни ҳамда бу йўл хавф-хатар ва қийинчиликлар билан ўралганини, ўзгартириш иши жиддийликка ва сабрматонатга муҳтожлигини, ўзгартириш ишини уммат тақдирини ҳал қилувчи масала деб хисоблашга муҳтожлигини билиш зарур. Муфаккирлар воқеликни бузуқлигини тушунтириш орқали, унинг ёмонлигини фикрий ҳис қилдириш орқали, бу воқелик ўрнини босувчи воқеликни тушунтириш орқали уммат ўзгартириш зарурлигини тушунтириш билан бирга юкорида айтилган ҳақиқатларни ўзгартириш йўлига киришганларга тушунтиришлари керак.

Буни қандай тушунтириш 2-фаслинг мавзусидир.

## 2 фасл

### Биз ва ўзгартириш

Бу минтақанинг аҳолиси хусусан мусулмонлари ўзгартиришга энг муҳтож инсонларлар. Бошқа халқлардаги ўзгартиришга интилиш янада яхшироққа эришиш учун ҳаракат қилишдан нарига ўтмаса, мусулмонларники эса йўқ бўлиб кетишидан қутилишга ҳаракат қилишдир. Шунинг учун ўзгартиришга интилиш уммат ҳаётига боғлиқ, тақдирни ҳал киладиган интилиш бўлиши зарур. Шу туфайли тақдирни ҳал қилувчи бу ишни кейинга қолдириб, чўзиб бўлмайди, бу хусусда савдолашиб ҳам бўлмайди. Чунки бу минтақа фарзандлари бўлмиш биз қарийб бир асрдан бери ёмондан ҳам ёмонроқ ҳолатда, тубанликни ўзи ҳам хижолат бўладиган тубанликда, хорликни ўзи ҳам унамайдигаи хорликда, шармандаликтин ўзи ҳам рози бўлмайдиган шармандаликтда яшаемиз. Бу гапларнинг воқелигини ҳар бир инсон билса ёки ҳис қилса керак. Буни факат икки кимса билмаслиги мумкин. Бири жохиллигига гарк бўлган, кўзи ҳам, ақли ҳам кўр кимса. Иккинчиси эса шу умматдан деб даъво киладиган. аслида бу умматга мансуб бўлмаган кимса. Юсуф а.с нинг қонига бўрини ҳеч қандай алоқаси бўлмагани каби бунақа кимсани унинг даъвосини ушбу умматга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Биз яшаб ўтган ва ҳозир ҳам яшаётган аччиқ шароитлар ва вазиятлар бизни бу гапни айтишга мажбур қилди. Бу шароитлар, вазиятлар шу даражада оғир, сиқиқ, зуғумлиги ҳар қандай эси паст, тентак ҳам уни сезмай колмайди. Шу туфайли жоҳил ва кўр бўлган биринчи кимсани — гарчи қийин бўлса ҳам

— тузатиш, муолажа қилиш мумкин. Аммо иккинчи кимсани тузатиш, муолажа қилиш мумкин эмас. Чунки бундай кимса худди жонсизланиб, тириклайн чириб қолган тана аъзосига ўхшайди. Ҳозиргача медицина уни кесиб ташлашдан ўзга чораснни топгани йўқ. Демак, бизда ҳам бундай кимсани кесиб, улоқтириб ташлашдан бошқа чора йўқ.

Уммат ёппасига шархлашга ўрин колдирмайдиган даражада тушунадиган ва ҳис қиладиган бўлиб қолганига кўнглимиз тўқ бўлсада, ғофилларга танбех бериш, унугтганларга эслатиш, ақлли, тушунганларни кўзғатиш ҳамда баҳсни осонлаштириш учун биз яшаётган бузук воқеликни энг кўзга ташаланадиган аломатларини баён қиласман.

Бу аломатларни ҳаммага маълум, муҳим жихатларга бўламан:  
а) Сиёсий жиҳат.

Ҳаммага маълумки, бу уммат узок асрлар мобайнида оламдаги энг олий Уммат, буюк давлат соҳиби, жаҳондаги юксак маданият ва ривожланган маърифатнинг эгаси бўлди. Бутун дунё у билан ҳисоблашар, савлатидан, куч-кувватидан хайкирар, унинг сўзига мажбуран ёки ихтиёран қулоқ соларди. Шундай уммат, шундай давлат, ҳазорат (дунёкараш), маданият ва маърифат охирги ўринга тушиб қолди. Боскинчиларнинг отларини туёқлари уни топтайдиган, жирканч ва пасткаш нотавонларнинг пошналари эзгилайдиган бўлиб қолди.

Ягона, кучли, азиз бўлган Давлат уларга тухмат қилиб, ёлғондан «давлатлар» деб аталадиган, саноқсиз қоғоз вужудларга, давлатчаларга бўлениб кетди.

Бу Исломий Давлатнинг гражданлари шу буюк Давлатнинг тобеси бўлгани учун, шундай юксак дунёкараш фарзанди сифатида, шундай юксак маданият, шундай тараққий этган илм-маърифат соҳиби бўлгани учун дунёни ҳар ерида бошини тик тутиб мағрур юради. Бугунга келиб ушбу граждан шу умматга мансуб эканлигидан уялиб, хижолат бўлиб, бошини эгиб юрадиган бўлиб қолди.

Илгари муслим ўзинииг кенг, кучли Исломий Давлатидан динни голиб қилиш учун мужоҳид, ғозий сифатида четга чиқарди. Ёки Ислом қўшинлари томонидан фатҳ қилинган вилоятларни бирига амир сифатида ёки инсонларни зулматлардан нурга, динларни жабру зулмидан ўзи тўғри ва юксак деб эътиқод қиласиган Ислом адолатига олиб чиқиш учун улар ўртасида Исломни ёйиб даъватчи, хидоятчи сифатида чиқарди. Бугунга келиб ушбу муслим қоғоз давлатчаларини биридан сиёсий зулмдан ва иктисодий қашшоқликдан қочиб қочоқ сифатида Нрю-Йорк, Вашингтон ахлатхоналарида ахлат ташувчи сифатида Америкага, Париждаги ошхонада идиш-товоқ юувучи сифатида Францияга, Стокголом ва бошқаларда кўча супурувчи сифатида чиқадиган бўлиб қолди.

Илгари Исломий Давлат Раиси ёки бирор ҳокими ўз давлатидан иззат ва шараф сари, ҳақ сўзни голиб қилиш учун, хидоят нурини ёйиш учун армиясини бошлаб чиқарди. Бугунга келиб бу ҳокимлар мусулмонлар еридан Оқ уйни ёки Даунинг-стритни ёки Кремлни зиёрат қилгани чиқадиган бўлиб қолди. У ердаги хўжайнларидан буйруқларни оладилар. Юртларига қайтишдан олдин қиморхона, казиноларда санқиб турли-туман спиртли ичимликларга ва наркотикларга ғарқ бўладилар. Сўнг хўжайнларини кўланса буйруқларини оқизмай-томизмай мусулмонларга тадбиқ этиш учун юртларига қайтадилар.

Илгари Ислом Давлати гражданлари мамлакатнинг у чеккасидан бу чеккасига кечаю кундуз тинч-омон, хотиржам ҳолда бориб келаверадилар. Мусулмонлар ерининг ҳар бурчагида ўзининг яқинлари ва биродарлари турганини хис қилиб юради. Энди бўлса бу граждан мусулмонларнинг ҳамма ерида бегоналик, ўлим, изтироб ва саросималикни сезиб туради. Ўз уйидан, минтақасидан зарурат туғилсагина чиқишидиган бўлиб қолди. Сафарга чиқиши бўлса — илгариги жоҳилият даврида бўлгани каби — оқибатига ишониб бўлмайдиган. охири нима бўлишини ёлғиз Аллоҳ биладиган, ҳаётни хатарга қўйиш бўлиб қолди. Бунинг натижасида гражданлар сафарга чиқишига журъят қилолмайдиган бўлиб қолди. Мабодо журъят қилса, бу таваккалнинг ниҳоятда хатарлилигидан васиятини ёзib қолдириши шарт бўлиб қолди.

Илгари мусулмонлар йўлиқаётган. ҳар қандай муаммони ечими мусулмонлар давлати қўлида эди. Салоҳиддин, Кутуз, Байбарос ўзлари хоҳлаган ёки Ислом белгилаб берган ечимни ижро қилдилар ва мусулмон юртларидан салибчиларни ҳайдаб чиқардилар, муғуллар босқинидан мусулмонларни ҳимоя қилдилар. Бугунга келиб эса давлатчаларимиз ҳокимлари: «Ечимларни 99% Американи қўлида» дейдиган бўлиб қолдилар. Қолган 1% эса кимнинг қўлида?

Илгари ҳамма жойдаги мусулмонларнинг раҳбарлари муслима аёлнинг (вой Ислом, вой Мұтасим деган) дод-фарёдига шошилиб, иккиланмай жавоб беришга киришардилар. Юртларни озод қилиб душманларни янчиб ташлардилар. Бугунга келиб эса Қобия, Хулхул, Дер, Ясин, Сабра, Шатила, Филлилин, Афғонистон ва мусулмонлар қирғин қилинаётган, юзлаб қушхоналардаги ёрдам сўраган миллионлаб овозларни бизнинг раҳбарларимиз эшитиб туриб қалблари титрамайди, киприклари пирпираб ҳам қўймайди. Уларни сифатлаб айтилган куйидаги гап жуда тўғридир:

Гўдак етимлар оғзидан отилиб чиқсан қанча-қанча “вой Мұтасим” Кулокларига етдию, бироқ Мұтасим ғурурига етмади.

Илгари мусулмон ҳокимларнинг коғир ҳокимлар, айниқса тажовузкор босқинчиларига юборадиган хатлари шундай сўзлар билан бошланарди: «Аллоҳнинг бандаси, мўминлар амири Ҳорун Ар-рашиддан Рум кўпаги

Никфурга». Бугунга келиб эса минглаб мусулмонларни ўлдирган, уйларини вайрон қилиб, юртларини хароб қилган кофиirlарга ҳокимларимизни ёзаётган хатлари куйидаги сўзлар билан бошланади: «Мухаммад Анвар Садатдан Бегин жанобларига... ёки Киссинжер ҳазратларига...»

Илгари уч минг муслим юз мингдан ортиқ румликларни урушга чақириб, жангга киришган ва уларнинг қалбларини қўркувга тўлдирган бўлсалар, бугунга келиб Аллоҳ хорлик ва ночорликка маҳкум қилган қаланғи-қасанғилардан иборат уч миллион йўл тўсар қархисида миллиард мусулмон даҳшатдан қалтирайдиган бўлиб қолдилар.

Бу гаплар мисол ва далиллар учун келитирилган денгиздан томчилардир. Бундан ортиқ тубанлик бўладими? Бундан ортиқ хорлик бўладими? Шу воқеликда яшаётган, қалбida заррача ғурур, ақлида заррача фикр бўлган инсон бу бузук сиёсий воқеликни сезмаслиги мумкинми?

б) Иқтисодий жиҳат.

Илгари биз узоқ асрлар мобайннида бир давлатнинг бағрида яшадик. Бу давлат бизга шундай дерди ва айтганини амалда бажаарди: «Эй мусулмонлар<sup>1</sup> Биз солиқ йигувчи қилиб юборилмаганмиз, балки хидоятга бошловчи қилиб юборилганмиз». «Кимдан молу дунё қолса меросхўрларига қолади. Кимдан болачақа қолса уларни давлат ўз паноҳига олади».

Илгари тоби қочганини сезган бетоб ёнида пулсиз, доридармонсиз шу давлатнинг касалхонасига киради. Табиб бу шахсни бетоблигини билиб, унга табассум қиласар ва муолажани бошларди. Уч кун тўлиқ парвариш қилгандан сўнг табиб касалга бир қоғоз тутқазарди. Бу қоғоз ичидаги қанча пул ва зиёфат муддати тугагани билдирилган ёзув бўларди. Касал пулни олиб ишга киришгунча ундан фойдаланиб турарди. Касалхонадан меҳмонга ўхшаб иззати-киромда чикарди.

Мана илгари қандай эдик!...

Энди қандай бўлиб қолдик?..

Илгари бир давлатимиз бор эдики, у ҳамма йўлларга йўловчи ва мусофиirlарга бепул, текин меҳмонхона ва ошхоналарни қуриб қўярди. Ҳамма текин фойдаланадиган турли мақсадлардаги вақфлар бино қиласарди. Масалан, чинни ва сопол идишлар вақфи болалар ёки хизматкорлар синдириб қўйган идишни олиб келиб текинга алмаштириб кетардилар. Бундай вақф бола ёки хизматкор идишни синдириб қўйгани учун хўжайинидан жазо олмаслиги учун қилинганди. Илгари давлатимиз ҳар бир гражданнинг барча асосий эҳтиёjlарини тўлиқ таъминларди. Оила бошлиғи ота қайтиб келгунча Халифа оилани ўз паноҳига оларди. Илгари Халифа мусулмонлар бойлигига, хазинасига жавобгар эди. Уларга хизмат

килиш учун бошқа ишлардан озод қилинганды. Давлат хазинасидан ўзини ва болачақасини тирикчилигига етадиган маблагни олар эди холос. Халифа Умар ибн Абдулазиз қызига Байтулмолдан қарзга олинганды маржон билан ясанишига унамайды. Унга маржонни қайтариб топширишга буюради. Байтулмол хазиначисини халифа қызига қарзга маржонни бергани учун жазолайды. Умар ибн Абдулазиз шахсий мақсадлари учун атиги бир неча чақа турадиган зйтун мойли чирогни ҳам ишлатмайды. Чунки бу чирок давлат мулки эди. Бу чирокни ишлатишни яқында Аллох ҳисобини оладиган иш деб билган эди. Илгари Умар ибн Хаттоб айттар эдикі: «Аллохға қасамки, Фрот дарёси кирғоғыда бирор қўй ё эчки қоқилиб кетса бу йўлни нега текислаб қўймаганимга Аллоҳ сўроқ-савол килишидан кўрқаман»,

Мана шунака сонсаноқсиз мисоллардан сўнг бугунга келиб, бизнинг ҳазилакам давлатчаларимиз шундай дейдиган ва айтибгина қолмай, амалда ҳар соатда тадбиқ қиласидиган бўлиб қолдилар: «Кимдан молдунё қолса у давлатники бўлади. Кимдан болачака қолса, уларни қамалгани яхшироқ». Хўп келибсизлар, энди ўғрилик қилинглар, қаллоблик қилинглар, пора беринглар, пораҳўрлик қилинглар, аммо қўлимизга тушишдан эҳтиёт бўлинглар. Чунки қонунимиз устамон фирибгарларни, муттаҳамларни химоя қиласиди. Содда, лақмаларни химоя қилмайди. «Кимки уйланишга қодир бўлса уйлансин. Кимки қодир бўлмаса, ишратхоналарда ҳожатини чиқарсин. Касалхоналар эшиги бўлса, мамлакат фарзандлари бўлмиш камбағалларга берк, ким бўлишидан катъий назар бойларга очик бўлиб қолди. Чунки бой қаерда хоҳласа ўша ерда, энг яхши шароитларда даволанади. Камбағалга бўлса умумий касалхоналар, улардаги сарсонлик, жаҳаннам азоби, зулуми кифоя қиласиди. Йирик касалхоналарга камбағални кириши, иблисни жаннатга киришига ўхшаб қолди. Бирор камбағал адашиб унга кириб қолса ундан ё қамоққа ёки жиннихонага караб кетади.

Йўллардаги мусофирихоналар, меҳмонхоналар, ошхоналар ўрнига эндилиқда истеҳкомларимиз (постлар) жойлашди. Улар мусофири йўловчига на овқат беради на бирор хизмат кўрсатади. Буни ўрнига ушбу истеҳкомлардан (постлардан) ўзларини давлат хизматчилари деб таништирадиган йўлтўсрарлар отилиб чиқишиди. «Кўрикдан ўтказиши» ниқоби остида мусофири хорлайдилар ва устидаги кийим бошигача ечиб оладилар. «Текшириб қўйиши» ниқоби остида мусофири сарсон қилиб, бошига шундай азобни солишадики у бечора «бу кунимдан ўлганим яхшийди» деб юборади.

Бу давлатчаларда аскар ўзининг хақиқий иши бўлган жанггоҳда, мардлар майдонида урушиш ўрнига хўжайнилар ва уларни думларининг хизматини қиласидиган бўлиб қолди. Шу ишга мажбур қилиб давлатчалар

аскарни гарнizonida хорлайдиган бўлиб қолдилар. Ота-оналари қашшоқлиги учун очликдан қийналаётган бу йигитларни хорлайдиган бўлиб қолдилар.

Ҳокимларимиз хўлу қуруқни баробар еб ташлайдиган чигирткаларга ўхшаб қолдилар. Хилма-хил «солиқлар» ниқоби остида бирор нарсани қолдирмай шилиб кетадиган бўлиб қолдилар. Мусулмонлар мулкини худди оталаридан қолган меросни ишлатгандай кўнгиллари тусаганча ишлатадиган бўлиб қолдилар. Ҳокимлар қуруқлик, сув, ҳаво портларини эгаси бўлиб қолдилар. Наркотик моддалар ва заҳарлар контрабандаси билан шуғулланувчи шайкаларни бошлиғи бўлиб қолдилар. Биринчи миллиардерлар бизнинг ҳокимларимиз бўлиб қолди.

Илгари қандай эдик? Энди қандай бўлиб қолдик? Бундан ортиқ азизлик бормиди? Бундан ортиқ хорлик борми?

в) Ижтимоий жиҳат.

Биз узоқ замонлар бир давлатнинг бағрида яшадик. Бу давлатда эркак билан аёл ўртасидаги муносабатнинг асоси шундай эди: «Аёл ҳимоя қилиниши вожиб бўлган номусдир». «Аёллар эркакларнинг туғишганлариридир». «Аёлга тўртта нарсаси учун уйланилади: молдунёси, насиби, жамоли, дини учун. Сен диндорини танлагин, барака топгур». «Бу дунё фойдаланадиган матолардир. Бу матоларнинг энг яхшиси солиҳа аёлдир». «Бир инсонни бошқа бир инсонга сажда қилишга буюришим мумкин бўлса эди. Аллоҳ эркакларга аёллари устидан кўп ҳақ ҳуқук бергани учун хотинларни эрларига сажда қилишга буюрган бўлардим». «Эрини рози қилиб ўлган хотин жаннатга киради». «Хотинларни яхшиликка буюринглар». «Мўмин мўминани ёмон кўрмайди. Уни бир хулқини ёқтирамаса бошқа бир хулқидан рози бўлади». «Кимнинг иккита хотини бўлиб, бирига мойил бўлса қиёмат куни ёноғи оқиб келади». «Исломда маҳрсиз уйланиш йўқ». «Хотинларни баракалиси — маҳри оз бўлганлари». «Кимнинг икки қизи бўлиб, уларни катта қилиб чиройли тарбияласа, улар дўзахдан унга парда бўладилар». «Ҳалоллар ичида Аллоҳ ёқтирамайдигани — талоқдир». «Қайси бир хотин эридан бекордан бекор талок сўраса унга жаннат ҳиди ҳаром бўлади».

Илгари эркакни аёлга бўлган муносабатини белгилаб берадиган шунаقا қонунларимиз бор эди. Аёл эркакнинг туғишганиридир. Аёл нафис вужудки, унга ниҳоятда латофат, меҳр ва муҳаббат билан муомала қилиш лозим. Эркак уйланаётганда унинг жамолига, молдунёсига, насибига эмас, балки динига, хулқига эътибор бериши зарур. Аёл ҳам ўз навбатида эркакни хурмат қилиши, итоат қилиши иззат-икром кўрсатиши зарур.

Илгари мана шундай гўзал муносабат бўлганди. Бугунга келиб эса, аёлга бўлган илгаригидек «асралиши вожиб бўлган номус», деган асосда

эмас, балки лаззатланиш предмети деган асосга қурилиб қолди. Кийимкечак күргазмаларига, гўзалик салонларига, модалар уйига, самолёт ва автобусларга ташлаб кўйилгани бунинг ёркин далилидир. У худди мижозларнинг жалб қилиш учун ташланган хўракка ўхшаб қолди. У худди сигаретнинг қолдиғи каби улоқтирилиб, пошналар билан эзгиланадиган, янгилигига ардокланиб, эскиргач ташлаб юбориладиган нарсага ўхшаб қолди.

Давлатчалар тузиб берган бузукликка, фохишиликка, хиёнатга ўргатувчи янги қонунлардан кейин, аёл — нафис муомала килинадиган нозик вужуд бўлмай қолди. Балки улар — Худонинг раҳми келганидан ташқарилари — оғир атлетикачилар бўлиб қолишли. Жаннат — оналар оёғи остида бўлмай қолди. Балки оналар ва уларнинг қадамлари (айримларидан ташқари) Шайтоннинг қадамлари остида, қариялар уйида бўлиб қолдилар. Талоқ — ёқтирилмайдиган иш бўлмай қолди. Модомики давлат бунинг оркасидан кўплаб бойлик йиғар экан. у оддий суюкли ишга айланди. Оила алоқаларини бузилиб кетганлигини гапиришга эҳтиёж йўқ.

Шундай ижтимоий касалликдан ортиқ касаллик борми? Ҳозирги тубанликдан ортиқ тубанлик борми? Ҳозир биздаги бу бениҳоят мусибат, бузуклик, жамиятимиз бошдан кечираётган хароблик ва парчаланишини сезмайдиган бирор ақл-хушли инсон бормикан?

г) Таълим низоми.

Илгари умматлар, миллатлар ичida илм-фанда, таълим-тарбияда, кашфиёт-ихтиrolарда, университетларда энг ривожланган уммат эдик. Бизнинг университетларимиз дунёнинг ҳамма бурчакларидаги илм истаганларнинг қибласи, олим-муфаккирларнинг кўз тиккан жойлари эди. Қуртоба, Ашибилия, Кохира, Бағдод, Зайтуна университетлари чиқарган олим-муфаккирлар ўз умматларига унутилмас яхшиликни қолдириб кетдилар.

Илгари шундай давлатнинг паноҳида, шундай воқеликда фарзандларимиз динлари ва ақидаларини тиниқ тушуниб, ўша даврдаги маълум илм-фانларни кўпини пухта эгаллаб таълим босқичини қисқа муддатда тугаллар эдилар. Илгари талабага таълим олиши мобайнидаги барча харажатларини Давлат таъминларди. Таълим олиш барчага мажбурий ва бепул эди. Таълим программасининг асоси Ислом ақидаси эди. Ҳаёт майдонида керак бўладиган билимларни эгаллаш ҳар бир муслим ва муслимага фарз бўлиб, буни ҳаммага таъминлаш давлатга фарз эди.

Илгари Ислом давлати ва мусулмонлар илмий тараққиёт чўққисига етдиларки, унинг (масалан ибн Ҳайсам, Ҳасан Басрийни математика фанларида, ибн Сино ва Розийни медицинада) қолдирган излари ҳамон

жаҳоннинг илмий жиҳатдан ривожланган илм даргоҳларида қўзга яққол намоён бўлаяпти.

Шундай даражадан сўнг биз тубанликка тушиб кетдик. Эндилиқда биз оламга илм-фан жиҳатидан бокимондамиз. Бошқа давлатлар дастурхонини сарқитлари билан кифояланамиз. Улар бизга ташлаётган ўзларига керак бўлмай қолган ёки ундан зерикишган ёки замон талабига жавоб бермай қўйган кераксиз чиқиндилар билан озиқланамиз. Ўзимиз ёки Ислом хоҳлагандек эмас, балки мустамлакачи кофир ва унинг думлари хоҳлагандек дарс оладиган бўлиб қолдик. Таълим программасини бизга Ислом белгилаб бериши ўрнига кофирлар ва кофирларнинг буйруқлари, кўрсатмалари бўйича иш юритадиган таълим вазирлигидаги комитетлар белгилайдиган бўлиб қолди. Эндилиқда ақидамиз, одатлар ва анъаналаримизга зид нарсаларни ўрганадиган бўлиб қолдик. Энди ўкувчиларимиз, студентларимиз Холид, Салоҳиддин, Ториқ ибн Зиёддан кўра Наполеон, Гитлерни яхши биладилар. Мисъаб, Абу Зар, Билолдан кўра Тарафулта, Демис Руссосни яхши танишади.

Бундан ортиқ тубанлик борми?

Бундан баттар тойилиш бўладими?

Суд низоми

Биз узоқ давр инсоннинг обрў-эътибори, инсонийлигини муҳофаза қиласидиган давлат паноҳида ҳаётдан лаззатланиб яшадик. Бу давлатда гражданлар ўртасида ажратиш бўлмагани учун қонун олдида барча баробар эди. «Факат суд ҳукми билангина киши жазоланади». «Муслимдаги асос унинг бегуноҳлигидир». «Бирор кишини азоблаш мутлақо мумкин эмас. Ҳар қандай гражданни давлатнинг бирор ҳокими ёки хизматчиси устидан қилган шикоятини мазолим қозийси кўриб чиқади». «Қозининг шартлари — одиллик, поклик, фақихлик, теран тушунишлик». Кечиришда қозини минг марта адашгани жазолашда бир марта адашганидан яхшироқ». «Агар олдингга жанжаллашиб икки киши келса, улардан бирини бир кўзи уриб чиқарилган бўлса, то иккинчисини иккала кўзи уриб чиқарилган ҳолда келмагунча ҳукм чиқарма». «Халифа ҳам қозини олдида судлашувчи билан баробар ўтиради». «Сизлардан олдинги қавмлар халок бўлиб кетдилар. Чунки уларда заиф киши ўғрилик қиласа кўлинини кесардилар, обрўли одам ўғрилик қиласа кўйиб юборардилар», «Аллоҳга қасамки, Мухаммаднинг қизи Фотима ўғрилик қилганда эди, Мухаммад албатта унинг қўлинини кесарди».

Давлатимиз шунака эди. Суд воқелиги шундай эди. Шу туфайли ҳаётда хотиржам, тин-чомон яшардик. Чунки бегуноҳ, бекордан-бекор, куруқ тухмат билан жазоламаслигини биларди. Халифа ҳам, ҳар бир граждан ҳам бир хил мавқеда эдилар. Мисол учун, Умар ибн Хаттоб  нинг

олдига жанжаллашиб имом Али ибн Абу Толиб бир яхудий билан келади. Қози Умар яхудийга исми билан Алига эса куняси билан (яни Абу Ҳасан деб) мурожаат килганда, Алини аччиғи чиқади, Яна бир мисол, Амр ибн Оснинг ўғли бир қибтий билан мусобақа ўйнаганда қибтий ўзиб кетади. Амрнинг ўғли бундан ғазабланиб қибтийни уради. У эса бориб Умар ибн Хаттоб ~~Халифа~~ (Халифага) шикоят қиласди, Умар қибтийга Амрнинг ўғлини уришга, шу билан қасос олишга буюради. Бу каби юзлаб мисоллар бу Давлатдаги биз фойдаланган суднинг юксаклигига, кўркамлигига далил бўлади.

**Илгари қандай эдик?**

**Энди қандай бўлиб қолдик?**

Бугунга келиб давлатчалар хукмронлиги жаҳаннамига тушиб қолдик. «Хар бир киши айбдор». Бегуноҳ одам, то бегуноҳлиги исботлангунча жиноятчиидир. Бегуноҳлиги исботлангунча қамчилар, дарралар, таёклар, зинданларнинг захи, қамоқнинг увада кийимлари унинг гўштини ва қонини еб тутатган бўлади. Умрининг қанча йиллари зое кетган бўлади. Энди яшашга арзигулик умри ҳам қолмаган бўлади. Чунки вакт ўтиб кетиб бўлади. Бу давлатчаларнинг исталган қамоғига назар солиш юзлаб, минглаб жабру ситам, зулм ва жиноятчиликни очик-ойдин кўрсатиб беради.

Агар инсонлар жиноят қилсалар ёки (бу давлатчаларнинг назаридағи) «тўғри йўлдан» озсалар улар устидан хукмни суд чиқармайдиган бўлиб қолди. Балки олдиндан тайёрлаб кўйилган хукмларни судялар оладиган бўлиб қолдилар.

Мана энди ишлар ойдинлашди, узр сўровчига бирор узр, бепарвога бирор хужжат қолмади. Чунки юз берган ҳолат карни эшитадиган, кўрни қўрадиган қилиб қўйишга етади. Шуларнинг ҳаммасидан кейин бу бузукликни ўзгаририш учун харакат қилишимиз муқаррар ишга айланмадими?

**Эй уммат, хусусан ёшлар!**

Қора вокелигимиз тобора ёмонлашиб бораяпти. Вакт ўтмасдан ўзимизга келиб олмасак тез орада пушаймон бўлиб, бармоғимизни тишлаб қоламиз. Унда кеч бўлади.

Бугунги кунда биз икки тоифани биримиз. Кўпчиликни ташкил этадиган биринчи тоифа кулоқларигача баҳтсизлик ва кулфатга ботиб кетгандар. Озчиликни ташкил этган иккинчи тоифа эса ушбу баҳтсизлик ва кулфат сари бормоқда. Биринчи тоифа ўз илдизлари куриб кетишидан олдин бу хатарни йўқотишга, унинг илдизларини куритишга харакат қиласдиларми? ёки аҳмоқ түяқушнинг қилигини қилиб бошларини қумга тикиб шу лақмаларга тутум билан уларни кутиб турган қоронғу қисматдан қутилиб қолдик деб ўйлайдиларми? Олдингиларга етган бало уларнинг

ҳам бошларига тушишидан олдин иккинчи тоифа ҳаракатга келадиларми? Ёки улар воқеликка назар солишида ва уни тушунишда ривоятдаги танбалларга ўхшайдиларми? Айтишларича: «Зинанинг пастки қисмидагиларки ёнгин ўз домига тортаётган пайтда юкори қисмда ўтирган танбаллар гүё ўзларига ёниш навбати келишини кутгандай тентакликка тўлган кўзлари билан пастдагиларга қараб ўтиришарди». Ёки улар «кеча оқ буқани емини, бугун эса қора буқани емини едим» дейдиган қизил буқадек бўлиб оладиларми?

Аллоҳга қасамки, иш ниҳоятда жиддий. Ё хаммамиз бор кучимиз билан бизни ўраб олган балога қарши курашамиз. Чунки “Икки қўйл биргаликда бигизлар устидан ғалаба қозонади», ”Икки чавандоз биргаликда. Малтада динни ҳукмрон қилишга қодир”. Ёки йўқ бўлиб кетишдаги навбатимизни кутамиз ва ўлимга маҳкум бўлишга рози бўламиз. Шу билан барча нарсадан маҳрум бўламиз.

Эй йигитлар! Ўлим албатта ҳақ. Кимки қилич билан ўлмаса, бошқа нарса билан ўлади. Ўлим ҳолатлари кўп, аммо ўлим битта. Арзимас иш йўлидаги ўлим асло буюк иш йўлидаги ўлимга тенг келолмайди.

Мана шу — бизнинг муаммо. Бизнинг муаммо — умматни тушиб қолган бу ифлос ботқоқликдан улуғлик, хотиржамлик, бахт-саодат чўққисига олиб чиқиш. Умматни унга лойик, табиий ўрни бўлган дунё чўққисини қайтадан эгаллаштириши.

Энди шунга ҳаракат қиласизми?

Ғалаба қозонамизми?

Бунга қандай эришамиз?

Мақсадимиз—бузук воқеликни соғлом воқеликка ўзгартириш.. Умматни тубанликдан чўққига олиб чиқиб, юксак ўрнига қайтариш.

Буларнинг барчаси уйғониш учун ўзгартириш қилиш билан амалга ошади.

Буни йўли қандай? Худо хоҳласа бу кейинги фаслларда баён қилинади.

### 3 фасл

#### Ўзгартиришдаги хато фикрлар ва изланишлар

Бу умматнинг фикрий табиблари бўлмиш муфаккирлар умматга бир канча чораларни кўллаб кўрдилар. Бироқ улар умматни тараққиёт карвонига қўшилиб олишига йўл бермаётган, уни ҳалокатга етаклаб кетаётган касалликдан фориғ эта олмадилар. Биз яшаётган ҳозирги қора аччик воқелик уларнинг мувваффақиятсизликларига далилдир.

Ушбу табибларнинг мувваффақиятсизликини асосий омилларнни дикқат билан текшириб чиқсан, улар иккита асосий омилдан бири эканлигини кўрамиз. Биринчиси, улар касалликни тўғри аниқлай олмаганлар ва ўз навбатида керакли дорини бера олмаганлар. Иккинчиси,

улар касалликни тўғри аниқлашган ва уни дорисини ҳам билишган. Лекин касалга — умматга — дорини тўғри тарзда ва зарур миқдорда бера олмаганлар. Касалга дорини оғзидан бериш ўрнига орқасидан беришган. Ҳар куни дорини уч мартадан бериш ўрнига ё бир марта ёки ўн марта беришган.

Шунинг учун зарур дорини, тўғри муолажани ахтариш керак. Умматга бу муолажани белгилашдан олдин унга тўлиқ ишонч ҳосил килиш зарур. Бу муолажани умматга билдиришдан олдин у тажрибада синалган, муваффақияти исботланган бўлиши зарур. Чунки бу бечора уммат устида кўлланилган тажрибаларни кўплигидан янгидан тажриба ўтказишга, игна санчишга ярайдиган бирор томири, бўғини, бўш жойи қолмаган. Бу уммат керагидан ортиқ азоб-уқубот тортди. Бу эса шу муолажадан бошқа муолажа йўқ эканлигига далил бўлувчи қатъий йўллар билан фойда бериши исботланмаган ҳар қандай муолажани рад этишга умматни ҳақли килиб қўйди.

Шундан келиб чиқиб тўғрилиги аниқ муолажани баён қилишдан олдин тажриба килиниб, яроқсизлиги исботланган баъзи муолажаларни умматга айтиб ўтишни лозим кўрдик. Баъзилар ушбу муолажаларни яроқсизлигига, нотўғрилигига қарамай ҳамон уларга даъват қилишяпти,

Уларнинг энг муҳимлари: 1 — Иқтисод орқали уйғониш.

Баъзи инсонлар ўйлашдики баъзилар эса ҳамон ўйлашядики бошимиздан кечираётган тубанлик ва орқада қолишнинг сабаби — иқтисодий қолоқликда, шу жумладан бойликнинг камлиги, миллий ва хусусий даромаднинг пастлиги, иқтисодий манбаларни етишмаслиги, саноат маҳсулотларини етарли эмаслигига ва ҳоказо. Улар айтдиларки: иқтисодий ривожланишни вужудга келтириш учун ҳаракат қилиш уйғонишнинг асосидир. Бу фикрнинг яроқсизлиги шундаки:

а) Жаҳондаги биринчи давлат бўлган Америка иқтисод ёки шунга ўхшаш нарса асосида уйғонган эмас. Чунки у озодликка эришиб уйғонгунга қадар Англияни мустамлакаси эди. Британия уни бойликлари ва имкониятларини эксплуатация килар эди. У уйғонгунга қадар аҳвол шундай давом этди Уйғонгандан сўнг, бир неча йиллар ўтиши биланоқ унинг иқтисодий, саноат ва ҳарбий ривожланиши кўрина бошлади ва ҳоказо...

Мана у иқтисоди заиф бўла туриб қандай уйғонди?

б) Чор Россияси иқтисоди заиф давлатлардан эди. Ҳукмрон бўлиб турган подшоҳлик низоми ўзгаргунга қадар аҳвол шундайллигича қолди. Янги система (яъни социалистик) ҳокимият тепасига келиб, кўп йиллар ўтгач унинг иқтисодий ривожланиши кўзга яққол ташланди.

Мана у иқтисоди қолоқ бўла туриб қандай уйғонди

в) Агар бойлик ва қашшоқлик, миллий ва хусусий даромад миқдори иктисодий тараққиёт ўлчовлари бўлса, у ҳолда Форс кўрфази давлатлари, Саудия каби араб давлатлари баъзи уйғонган давлатлардан кўра ривожланган бўлиши керак эдику? Нимага Европа давлатлари уйғонгану, бу араб давлатлари уйғонмаган?

Юкоридаги фикрлардек «иктисод уйғонишга асос бўлишга ярайди» деган фикрни яроқсизлиги маълум бўлади. Иктиносидий ривожланиш уйғонишнинг бир аломати, унинг бир натижаси эканлигини англаш зарур. Иктиносидий ривожланиш уйғониш самараси бўлиши керак. Акс ҳолда бундай ривожланиш қашшоқликни, очлик, яланғочликни яшириб турган, қарзга олинган кийим бўлиб қолади. Мустаҳкам илдизлари бўлсагина иктиносидий ривожланиш бўлади. Акс ҳолда шаҳарликни кийимини кийиб олган қишлоқига ўхшайди. У кўринишда шаҳарликка ўхшайди,. бироқ биринчи хатти-харакатидан қишлоқилиги билиниб қолади, қалбаки никоби йиртилади. Иктиносидий ривожланиш ҳам шунга ўхшайди... Мабодо буюк давлатлар араб нефти нархини тушириб юборсалар ёки қандайдир йўллар билан уни олмасликни иложини қылсалар, унда нима бўлади? Унда иктиносидий ривожланиш кўринишларини яширишга тўғри келади. Чунки у мустаҳкам асосга курилган.

2 — Таълим бериш ва илмфанни ривожлантириш ёрдамида уйғониш.

Бундай фикрдаги инсонлар “яқол кўриниб турган қолоқлигимизнинг сабабини саводсизликни кенг тарқалганлигига, зиёлиларни камлигига, институтларни етишмаслигига ва илм-фанни омма орасига ёйилмаганлигига” деб биладилар. Шунинг учун «иilm уйғонишнинг асоси», «Фарбнинг уйғонишига илмлар сабаб бўлди» каби ибораларни кўп тақрорладилар. Аслида эса бу фикр яроқсиз, бузук фикрdir.

Яроқсизлиги шундаки:

а) Агар биздаги зиёлилар сони билан уйғонган давлатларни қўлидаги зиёлилар сонини таққосласақ, биздаги айниқса, Ливан, Иордания, Кувайтдаги зиёлиларнинг сони уйғонган шарқий ва гарбий Европа давлатларидағи зиёлилар сонидан кўп,

б) Ислом умматини илмий тараққиёт чўққисига етаклаган араб халқи, зиёлими? Ёки илмий тараққиёт Ислом уммати уйғонгандан сўнг юз бердими? Америка ва Россияда уйғонишларидан олдин илмий тараққиёт бормиди? Ёки бу давлатларнинг уйғониши илмий тараққиётни пайдо килдими? Жавоб аниқ... Зиёлилари кўп умматларни ҳаммаси уйғонган уммат бўлмайди. Буни тескариси ҳам тўғри эмас. Акс ҳолда кўп давлатларимиз уйғонган, кўп уйғонган давлатлар қолоқ, уйғонмаган бўлар эдилар. Демак, илм-фан ривожланишига уйғониш сабаб бўлади. Асло акси эмас.

3 — Ахлоқ ёрдамида уйғониш.

Бу фикрдаги инсонлар ўйлашадыки: шахслар ахлоқи юксалиши билан уммат уйғонади ва бу ахлоқни тубанлашиши билан уммат тубанлашади, Бу фикрларини Шархи каби шоирларнинг шерларидағи байтлар билан күвватладилар.

Умматлар ахлоқлари бор экан умматдир,

Ахлоқлари йўқолса улар ҳам йўқолур ёки: Ишларинг ўнгланиш манбаси — ахлоқ,

Нафсни ахлоқ билан ўнгла, бўл хуш ахлоқ. ёки: Ахлоқлари хароб эл Обод бўлмас асло бил. Шунингдек фикрларини Куръони Каримдаги ушбу

وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ

- „Албатта сиз улуғ Хулқустидадирсиз“

[68:4]

ояти билан ёки Росулулоҳ нинг ушбу «Мен улуғ хулқларни камолига етказиш учун юборилдим», деган ҳадислари билан ҳам күвватлайдилар.

Уларнинг бу раъйларини яроқсизлиги шундаки: Баҳс шахсларни қандай уйғотиш ҳақида эмас, балки уммат ва жамиятни қандай уйғотиш ҳақида кетаяпти. Шу туфайли жамият воқелигини ва уни ўзгартиришга ҳаракат қилишни яхшилаб тушуниш зарур. Фаразан ахлоқ шахсларни ўзгартирса ҳам, шахсларни ўзгариши жамиятни ўзгаришга олиб бормайди. Чунки жамият шахсларни ёлғиз ўзидан ташкил топмайди. Балки у шахслар ва шахслар ўртасидаги алоқалар ҳамда бу алоқаларни назорат қилувчи низомдан ташкил топади. Бу низом муайян алоқаларга рухсат бериб, бошқа навдаги алоқаларни тақиқлайди. Шунинг учун уйғониш ва ўзгартириш пайдо бўлиши учун баҳс жамиятни ёппасига, шу жумладан шахсларни қандай ўзгартиришга қаратилган бўлиши, фақат шахсларга қаратилмаслиги лозим. Маълум бир хулқни қабул қилишга, уни маҳкам ушлашга шахсни ундаётган нарса хулқнинг ўзи эмас, балки хулқдан бошқа омиллардир. Масалан, инсон ростгўйликда ўзи фойда кўргани учун ёки ота-онаси ростгўйликка ўргатгани учун ёки одамлар ростгўй инсонни хурмат қилишгани учун ростгўйликни маҳкам ушлайди ва ҳоказо. Шундан кўриниб турибдики, агар биз инсонларни бирор хулқ билан хулқланишларини хоҳласак, шу хулқни келтириб чиқараётган асосга даъват қилишимиз зарур. Чунки ўша асос инсонга барча тасарууфларни шу жумладан ахлоқни ҳам белгилаб беради.

в) Бошқа нарсаларга нисбатан ахлоқнинг муҳим эмаслигига энг ёрқин далил шуки, Куръони Карим ахлоқ ҳақида ушбу оятдан:

وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ

Бундан ташқари факих мусулмонлар ҳар бир ҳукмга (конунга) алоҳида алоҳида боб қилған бўлсаларда, ўз китобларида ахлоқ учун алоҳида бир боб қилишмаган.

г) Агар уйғонган умматлар ва уларнинг ахлоқларини қолоқ умматлар ва уларнинг ахлоқларига солиштириб кўрилса, қолоқ умматлар хусусан мусулмонларни энг ахлоқли инсонлар эканлигини кўрамиз. Шундай бўлсада улар қолоқдирлар.

д) Ўтган йиллар мобайнида ахлоқ ҳақида чиқарилган миллионлаб китоблар, нашрлар, ўқилған маъruzалар, ўтказилган йиғилишлар нима фойда берди? Вокелигимизни озгина бўлсада ўзгартирдими?

Юкоридаги гаплардан уйғонишга асос сифатида ахлоққа қилинаётган давлатнинг яроқсизлиги намоён бўлади. Бироқ шунга эътибор бериш керакки, «Ахлок уйғониш учун асос бўлишга ярамайди» деган гапимиз ахлоқни инкор этамиз дегани эмас. Балки унинг маъноси инсонга чиройли хулқ зарур бўлсада, у асос бўла олмайди.

4.— Ҳарбий соҳани ривожлантириш ва қуролланиш ёрдамида уйғониш.

Баъзи зиёли инсонларнинг фикрича; қолоқлигимизнинг сабаби ҳарбий кувватга ва кучли қуролларга эга эмаслигимизда... шундан келиб чиқиб ўйладиларки, қурол-яроқ ва куч-кувват етарли бўлсагина уйғонишимиш амалга ошади... ва ҳоказо.

Аслини олганда бу фикр энг яроқсиз фикрdir. Буни сабаби оддий ва равшан. Биз ҳақиқатни олганда қурол-яроққа муҳтоҷ эмасмиз. Балки араб давлатларининг аслаҳаҳоналарида ғамлаб қўйилган қурол-яроқлар уйғонган давлатларнинг кўпида йигилган қуроллар миқдоридан анча ортиқдир. Бироқ бизнинг қуролларимиз Истроил ёки унга ўхшаганларнинг хужуми пайтида кўринмайди. Балки баҳтсизларнинг урушларида кўринади.

Шу туфайли уйғонмаган давлатларнинг қўлларидаги қўроллар бола ёки жинни қўлидаги қуролга ўхшаб йўналтирилиши лозим томонга йўналтирилмайди. Масалан, жинни бирор нишонни мўлжалламай дуч келган томонга отади. Оқибатида ўзини ёки ака-укасини отиб қўяди.

Шундан хуоса қилиб бундай носоғлом фикрдагиларга айтамизки: қуролланиш асло уйғонишга олиб бормайди. Уйғонишни пайдо бўлишга уни алоқаси йўқ. Тўғри, уйғонган давлатлар қурол-яроқларга эгадирлар. Уммат учун бу жуда зарур. Бироқ қуролланиш уйғонишдан келиб чиқсан ва ундан кейин бўлиши лозим. «Ўзи етиштирмаган нарсани ейдиган, ўзи тикмаган кийимни киядиган халқни холигавой бўлсин.

УЙГОНИШ учун асос сифатида таклиф қилингандын да қилинаётгандын ечимлар, фикрларга мисоллар келтирдик. Бундай навдаги барча таклифларни яроқсизлиги шундок қилиниб қолди. Лекин шу нарса эсимиздан чиқмаслиги керакки: уйгониш учун асос сифатида бу ечимларни яроқсизлиги ҳақидаги гапимиз уларни рад этиш дегани эмас. Балки асос сифатида рад этиш дегани. Ахлоқ, иқтисод, таълим. Қурол-яроқ ва бундан бошқа нарсалар умматта ниҳоятда зарур. Улар етарли даражадами? йүқ. Албатта. Масалан; Қурол-яроқ учун харажат қилишимиз керак. Лекин уйғонгандан кейин, асло олдин эмас.

Уйғонишиннинг асоси бўла оладиган ва уйғонишга эришиш учун керак бўладиган тўғри ечим ва соғлом фикрга киришишдан олдин таклиф қилингандын фикрлардан хато, камчиликларни асосий сабабларини қисқача хулоса қилишимиз керак.

Улар қуидагилар:

1 — Таклиф қилингандын ечимларнинг муаллифлари бўлган муфаккирлар умматнинг тубанлашишига олиб борган сабабни чукур ўрганмадилар. Балки юзаки назар ташлаш билан кифояландилар. Буни оқибатида илдизга, асосга эмас, балки ташқи кўринишга тааллуқли муолажаларни ишлаб чиқдилар. Касаллик вирусини йўқотишга эмас, балки унинг ташқи алломатларини йўқотишга ярайдиган чора тадбирларни туздилар. Бу ишда худди иситмани муз парчасини қўйиш билан даволаётган, касалнинг харорати пасайиши билан касаллик тугади деб ўйлаётган табибга ўхшадилар. Ёки чечак билан оғриган бемордаги чечак вирусларини йўқотиш ўрнига бадандаги тошмаларни даволаётган табибга ўхшаб қолдилар. Ёки катталар оламига кириш учун катта бўлиб қолишини истаб, онасига «акамни кийимини кийгизиб қўйинг» деяётган ёш болага ўхшаб қолдилар ва ҳоказо. Ёки шаҳарлик бўлишни орзу қилиб, шаҳарлик кийимини кийиб олиб, «шу билан иш битди» деб ўйлаётган қишлоқини килиғини қилдилар. Бу ишларни қилаётганда буларнинг ҳаммасини асосий сабабларга асло алоқаси йўқлигини, балки фақат ташқи кўринишлардаги изланишлар эканлигини унугиб қолдирдилар.

Аслида мақсадга эришиш учун чукур изланишлари, чукур назар ташлашлари керак эди.

Бу мутафаккирларнинг изланишлари уйғонишдан кўзда тутилмаган ишларга қаратилган эди, Чунки баҳс мавзуси ҳарбий ёки иқтисодий ёки сиёсий жиҳатдан қандай ривожланишимиз ҳақида эмас эди. Балки баҳс мавзуси «Инсон қандай уйғонади? Ўзининг иқтисодий, ҳарбий ва миллий бойлигидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши учун ва ўтган асрларда бўлгани каби оламга етакчилик қилиши учун уммат қандай уйғонади?» эди.

Иқтисод, курол-яроқ, ахлоқ ҳақида баҳс юритиш эса зарур бўлмаган мавзу ҳақида баҳс юритиш хисобланади.

Умматни уйғонишига кафил бўладиган йўл Ҳақида фикрлашда юқоридаги мулоҳазаларга эътибор бериш зарур. Шундан келиб чиқиб умматни уйғониш учун инсон воқелигини тушуниб етиш, уни тўлиқ билиш, уммат ва жамият воқелигини тушуниб етиш зарурлигини билиб оламиз.

Бундан бошқа ишларга эътибор бериш вақтни, мол дунёни, ҳаракатларни зое кетишидир. Шу сабабли кейинги фасл инсон воқелиги ва уни яхши ҳолатга қандай ўзгартириш ҳақида бўлади.

#### 4 фасл

#### **Инсонни уйғотиш учун уни қандай ўзгартирамиз?**

Уйғонишдан мақсад умматни юксалтириш, тушиб қолган тубанлигидан олиб чиқиш. Уммат, умумий қилиб олганда инсонлар ва уларни бир-бирига боғлаб турган алоқалардан ташкил топгани учун инсон воқелиги, унинг алоқалари ва буларнинг ҳаммасига таъсир кўрсатувчи омилларни билиш зарур. Буларни билиш инсон ва унинг алоқаларини юксалтириш учун керак. Чунки инсон ва унинг алоқаларини юксалиши бутун уммат оёққа туришига, тикланишига олиб боради.

Инсон воқелигини юксаклиги ёки тубанлиги жиҳатидан дикқат билан текшириб кўрсақ, буни унинг ташқи кўриниши ёки бўйи-басти эмас, балки яшаш тарзи (унинг хатти-ҳаракатлари) кўрсатаётганини кўрамиз. Масалан, фалончи ажойиб, яхши одам деб гапираётганимизда унинг яшаш тарзи чиройли яшаш тарзи эканлигини кўзда тутамиз. Гарчи биз чиройли яшаш тарзи кўринишлари ва қоидаларини белгилашда турли хил фикрда бўлсак ҳам, айнан шу яшаш тарзи инсоннинг юксак ёки тубанлигини белгилаб бериши тўғрисида фикримиз бир хил.

Агар инсоннинг яшаш тарзини ўзгартиришни хоҳласақ, аввало унинг тушунчаларини ўзгартиришимиз керак. Чунки инсоннинг тушунчалари бошқа шахсларга ва нарсаларга қандай муносабатда бўлишни белгилаб беради. Тушунчадан мурод инсондаги воқеликка қопланувчи фикрлардир. Буни шундай изоҳлаймиз: яшаш тарзи бу - узвий эҳтиёжлар ва гаризалардан иборат ҳаётий кучларини қондириш учун бажарадиган ишлардир. (Бу ҳақида кейин батафсил гапламиз). Бу масалада инсон билан ҳайвон тенгдир. Иккиси ҳам ўз ҳаётий кучларини қондириш учун ҳаракат қиласади. Бироқ инсонни узвий ва гаризаларини қондириши ҳайвоннидан фарқ қиласади. Масалан, ҳайвон овқат каби тана аъзоси эҳтиёжини қондиришни истаса, қандай ҳолатда бўлса ҳам бу эҳтиёжни қондиришга киришади, Чунки ҳайвонни факат қондириш қизиктиради. Масалан, эшак емга бўлган зҳтиёжини очликка барҳам берадиган, ейишга яроқли дуч

келган биринчи нарсаны иккиланмай ямлайди. Қуриган баргларми, чириёттган майсаларми, ачиган ювиндиларми барчасини еяверади. Жинсий майли қўзгаб қолса, ҳеч нарсага қарамай дуч келган жинсига сакрайди. Унга муҳими хоҳишни қондириши. Қандай қондиришга, натижасига эътибор бермайди. Бунинг аксича, ақлли инсон узвий эҳтиёжларини ёки гаризаларини муайян тартибда, муайян кўринишда қондиради. Оч қолса дуч келган нарсани емайди. Балки ўзи ёқтирадиган овқатни ахтаради ва уни ҳаммага маълум йўл билан топишга ҳаракат қиласи. Бу эҳтиёжни қондиришга мос шароитни тайёрлашга уринади. Шунингдек жинсий майли қўзғаса бу эҳтиёжни уйланмаган бўлса уйланиш орқали ёки хотини билан қондиради. Мабодо бегона аёл билан қондирганда ҳам, бу ишни маълум бир шароитларда қиласи. Инсон юксалгани сари узвий эҳтиёжлари ва гаризаларини қондириш кўринишлари ҳам юксалади. Тубанлашган сари эҳтиёжларини қондириш кайфияти ҳайвонникига яқинлашиб қолиб инсонийликдан кўра ҳайвонийликка яқин бўлиб колади.

Эҳтиёжни қондиришда инсонни ҳайвондан фарқ қилишига сабаб инсонда боғлашга, фикрлашга, нарсаларга хукм чиқаришга қодир мия мавжуд. Ҳайвоннинг мияси боғлашга қодир эмаслиги учун у фикрлай олмайди.

Демак, инсон ўз ҳаётий кучларини қондиришга ҳаракат қилиш мобайнидаги яшаш тарзини қандай бўлишини фикр белгилаб беради. Шундан келиб чиқадики, инсон нотўғри тарзда ҳаёт кечираётган бўлса, унинг миясида шундай хато яшашга ундаётган фикр бор. Буни янада ойдинлаштириш учун инсонни автомобилга ўҳшатиш мумкин. Автомобил юриши учун мотор, мотор ҳаракатланиши учун ёнилғи керак. Шунга ўҳшаб ақл инсонга қандай ҳаёт кечиришни, яъни эҳтиёжларини қандай қондиришни белгилаб беради. Ишга тушиши учун моторга ёнилғи керак бўлгани каби ақлга ҳам фикр зарур. Шунга биноан бирор инсоннинг тубан яшаш тарзини юксак яшаш тарзига ўзгартирмоқчи бўлсак, бу яшаш тарзи ортида яширинган фикрни билишимиз керак. Масалан, бирор инсонни ароқ ичиш одатини ташлашини хоҳласақ, бу ярамас қиликка ундаётган фикрни нималигини билишимиз керак. Эҳтимол бу фикр — ароқ ичиш—эрқаклик аломати ёки замонавийлик белгиси деган гумонидир. Бундай холатда бундай фикрни нотўғрилигига уни ишонтиришимиз керак, Агар ишонтира олсақ, ҳаётини бир қисмини ўзгартирган бўламиз, Бироқ бунга ўҳшаш ўзгартиришлар уйғониш учун қилинадиган ўзгартириш эмас. Балки талаб қилинаётган ўзгартириш пухта, мустахкам ва доимий ўзгартиришdir. Чунки илгари айтиб ўтганимиздек, уйғониш учун қилинадиган ўзгартириш кийин, машаққатли, хавф-хатарга тўла ишdir.

Демак, ўзгартириш кучли ҳамда кўзланган мақсад даражасида бўлишидир. Аммо ўзгартириш—юкоридаги мисол каби— кучсиз ёки

вақтингчалик бўлса, у тезда ниҳоясига етади, ёки ишлар тескари бўлиб кетади. Чунки юқорида зикр қилинган ароқ ичувчини бошқа бир инсон бизнинг фикримиздан кўра кучлироқ фикр билан ароқ ичиш биз айтгандай ёмон иш эмаслигига ишонтириши мумкин. Бунда ароқ ичувчи ўзининг ярамас қилигига— ароқ ичишга—тезда қайтади. Баъзан илгаригидан кўра кўпроқ ича бошлайди ва хоказо... Шунинг учун фикрий бўронлар ва моддий қийинчилклар тебрата олмайдиган, кучли, мустаҳкам ўзгартиришни амалга оширадиган йўлни ахтаришимиз зарур. Шундай ўзгартириш орқали ўзгарган инсон яхши томонга ўзгаришида давом этади.

Юқоридаги гаплардан бир ҳақиқатни билиб олдик, Яъни инсон воқелигини тубан холатдан юксак ҳолатга ўзгартириш илм-фан ёки саноат ёки ахлоқ орқали змас, балки фикр ёрдамида амалга ошади. Мана шундан билдикиккни ўйғониш фикрий юксалишдир.

Демак, умматни ўйғотиш учун, унинг қалбига ўрнашиб олган бузук воқеликни ўзига ва бутун оламга хўжайин бўладиган, инсонлари ҳур, журъатли, хурматли бўладиган воқеликка ўзгартириш учун қилинадиган харакат фикрий ўзгартириш асосида, фикрни ўзгартириш асосида бўлиши керак. Яна шунга эътибор бериш лозимки, бу ўзгартиришни кучли, мустаҳкам, самарали ва кўзланган ғояга олиб борувчи йўли, тариқати бўлиши зарур. Энди тўғри йўлни баён қилишдан олдин ўзгартиришни кўплаб услублари борлигини ҳам айтиб ўтишимиз зарур. Бироқ бу услубларнинг ҳаммаси ўйғонишга олиб борувчи ўзгартириш қилиш учун ярамайди. Чунки улар вақтингчалик ўзгартиришга олибборади. Шунинг учун қисқақча бўлса ҳам уларни ва бузуқлик тарафларини баён қилишимиз зарур. Чунки бу услублар айрим пайтларда баъзи инсонларни алдаб қўяди. Оқибатда, бу услублар асло тўғри бўлмасада, баъзан инсонлар уларни мустаҳкам, тўғри йўллар деб ўйлашади. Шуни баён қилганимиздан сўнг асос ва программа сифатида олиш учун ўзгартиришнинг тўғри йўлини баён қиласиз.

## 5 фасл

### Ўзгартиришнинг хато услублари

Маълумки, катта ўзгартириш талаб қилинаётган бўлса ва ўзгартиришдан кўзланган мақсад буюк бўлса бундай ўзгартиришни мустаҳкам, умри узоқ бўлишига эҳтиёж ҳам шунчалик катта бўлади.

Биз амалга оширишга интилаётган ўзгариш умматни ўзгартириш ва уни тубанликдан юксаклик чўққисига олиб чиқиш бўлгани учун бу ўзгартиришни қандай амалга оширишни жиддий, чукур, яхшилаб ўрганишимиз зарур. Адашиш, муваффакиятсизлик жарлигига тушиб кетишдан эҳтиёт бўлиш керак. Шу сабабли ўзгартиришнинг баъзи муваффакиятсиз услубларини кўриб чиқамиз.

Ўзгаришишнинг муваффакиятсиз услубларини мухимлари: 1. Моддий рағбатлантириш (мукофотлаш) услуби.

Бу инсонни ўзгариши ёки ўзгариши жараёнига қўшилиши эвазига бирор моддий нарса бериш билан қизиктириш услубидир. Бу услуб муваффакиятсизdir. Чунки унинг таъсири вактинчалик бўлиб мукофот берилиши тугаши биланоқ бу инсон ўзгаришишни тўхтатади. Масалан, ота ўқувчи ўғлини тиришиб ўқиши ёки баъзи ёмон одатларини ташлаши учун ёки одоб-ахлоқли бўлиши учун мукофотлаб турса, бу ҳолда ўғли ўзгаради. Лекин унинг бу ўзгариши вактинчалик бўлиб ўзгаришишга ундаётган омил йўқолиши билан у барҳам топади. Бу омил яъни мукофот ёки моддий рағбатлантириш табиийки доим ҳам бўлавермайди. Буни оқибатида олишга ўрганиб қолинган мукофот ёки моддий рағбатни олинмай қолинса, ундан маҳрум бўлинса иш тескарисига қараб кетади. Шунинг учун бундай услублардан четланиш керак. Чунки уни бир кунмас бир кун муваффакиятсизликка учраши аниқ.

## 2. Моддий ёки маънавий жазолаш услуби.

Бу «қамчи ва қанд» ёки «қизиктириш ва қўрқитиш сиёсати» номи билан машҳур бўлган услубидир. Маълумки бу услуб инсон маслакларини (ишонч хосил қилган фикрларини) ва шу маслакларга асосланган яшаш тарзини ўзгаришишга мажбур қилиш учун маънавий ёки моддий зўравонликни ишга солища гавдаланади. Бу услубнинг натижаси ҳам юқоридаги услуб каби вактинчалик ва хатарлидир. Чунки бундай асосда ўзгаририлган шахс қамчи кўтарилиши билан ёки берилаётган моддий неъмат тугаши биланоқ дарҳол, кўпинча ёмонроқ суратда қайтади. Биз интилаётган мақсадга мувофиқ бўлмагани учун бу услубдан ҳам воз кечишимиз керак.

## 3. Мактаб услуби.

Бу услубни юқоридаги икки услубга кўра яроқсизлиги аниқ. Чунки талаба имтиҳон тугаши биланоқ ўқиган нарсасини эсдан чиқаради. Бунга сабаб: мадраса услуги «тушуниб олиш учун эмас, имтиҳонни яхши топшириш учун ўқиб-ўрган» дейдиган услубидир.

## 4. Барча турдаги оммавий ахборот воситалари услуби.

Оммавий ахборот воситалари маълум бир ўзгаришишга олиб борсада, бу ўзгаришиш узоқ муддатда рўй беради. Шу туфайли биз кўзлаётган ўзгаришиш учун ярамайди.

Бундай муваффакиятсиз услублар кўп бўлсада ўзгаришишга ҳаракат килишда уларга таяниб қолишдан сақланиш учун айримларини мисол тариқасида келтирдим. Лекин уларнинг баъзиларидан кейинги фаслда баён қилинадиган энг тўғри йўлга ёрдамчи омил сифатида фойдаланиш мумкин.

## 6 фасл

### Фикрий асос ва асосий муаммо

Инсонни ўзгартеришдан кўзланган ғоя уйғониш даражасида бўлиши учун бу ўзгартеришни самарали яъни мустаҳкам, кучли доимий бўлиши биргина йўл билан амалга ошади. Бу йўл шуки, ўзгартериш фикрий асосга ёки фикрий пойдеворга асосланиши керак. Ҳар қандай бино ҳам пухта, кучли пойдевори бўлсагина сабот билан турга олгани каби инсонга берилаётган фикрлар ҳам мустаҳкам, кучли фикрий асосга таянсагина унинг ақлида сабит туради ва давом этади ва кўзланган таъсирини ўтказади. Акс ҳолда пойдеворсиз ёки кучсиз, бўш пойдеворга қурилган уйга ўхшаб асослари кучли бўлмаган фикрлар ҳам бекарорлик, ларзага тушишга нишон бўлади. Бинонинг пойдевори кўзга кўринмагани каби, фикрий асос ҳам инсоннинг хаттиҳаракатлари, ишлари ортида яшириниб ётади, Шу сабабли ақли ўткир инсонларгина фикрий асосни била оладилар.

Фикрий асос тарқоқ, таъсирсиз ёки вақтинчалик таъсирга эга фикрларни инсоннинг яаш тарзини ва ҳаётдаги хатти-ҳаракатларини мустаҳкам, тўғри, аломат ва йўналишлари аниқ шаклда белгилаб берувчи тушунчаларга айлантиради. Чунки инсонни ҳаётда қуруқ фикрлар эмас, балки инсон тўғри деб ишонган фикрлар—тушунчалар—бошқариб, йўналтириб туради.

Фикрлар билан тушунчалар ўртасидаги фарқни қуйидаги мисолда тиниқ билиб олиш мумкин. Бирор шахсга фалончи ҳурматли одам деб айтилса, бу хабар агар маъносини тушунмаса маълумот. Агар маъносини тушунса фикр бўлиб қолади. Иккала ҳолатда ҳам бу хабар уни ҳурматли деб сифатланган инсонга ҳурмат билан муомала қилишга ундумайди. Муомалани чиройли бўлишида хабар бераётган шахсни ишончли бўлишини ўрни бор. Хабар манбаси қанчалар ишончли бўлса ҳурматли деб сифатланган шахсга шунча ҳурматда бўламиз. Қачонки биз «ҳурматли» деб сифатланган шахс билан муомала қилиб уни ҳақиқатда шундай инсонлигини исботласак, унга берилган сифат тўғрилигига ишонч ҳосил киласиз.

Демак, фикрларни яаш тарзига таъсир кўрсатадиган тушунчаларга айлантириш зарур. Чунки яаш тарзи инсонни «иймон келтирган ва солих амаллар қиласидиган зотлар» деган фикрга ишонч ҳосил қилганини билдиради. Фикр воқеликка қопланган яъни воқелик унинг тўғрилигини исботлаган бўлиши зарур. Лекин, табиийки ҳамма фикрни ҳам воқеликка қоплаш имкониятимиз йўқ. Чунки ҳар бир инсон ҳам ҳамма фикрларни воқелигини билиши мумкин эмас. Кўпинча бальзи фикрларни воқелигини хис этиб бўлмайди. Ҳар бир фикрни воқелиги кўз ўнгидага гавдаланмайди. Мана шунинг оқибатида фикрларни тушунишда ва уларни тўғри ёки нотўғрилигига ҳукм чиқаришда ихтилоф келиб чиқади. Шуннинг учун

тўғри фикрни хато фикрдан ажратиб олиш имконини берадиган бир йўл бизга керак. Бу йўл фикрий пойдевор яъни фикрий асосдир,

Кишининг барча тасарруфлари, хатти-харакатларига асос бўладиган, уни бошқа инсонлардан ажратиб турадиган бу фикрий пойдевор шунчаки қуруқ фикрлар бўлмаслиги, балки умумий (куллий) фикр бўлиши зарур. Чунки у асосдир. Асос эса ҳамма ишлар унга асосланадиган, ундан келиб чиқадиган нарса дегани. Агар бу асос куллий (умумий) фикр бўлмасдан, фаръий (иккинчи даражали) бўлса у асос бўла олмайди. Шу туфайли фикрий асос куллий (умумий) фикр бўлиши ва барча ишлар унинг асосида юритилиши зарур.

Демак, асос инсоннинг барча муаммоларини ҳал қилишга, катта-кичик ҳамма саволларига жавоб беришга қодир бўлиши керак. Шунга қодир бўлса куллий (умумий) фикр бўлади ва фикрий асос бўлишга ярайди.

Шу туфайли ростгўйлик ёки умумийлаштириш ёки ихлос фикри асос бўлишга ярамайди, Чунки улар иккинчи даражали (фаръий) фикрлар бўлиб, бошқа барча фикрларни ажратиб беришга қодир эмас.

Инсонга дуч келаётган ва аниқ жавобларга муҳтоҷ саволлар икки хил бўлади. Биринчиси, асосий ёки тақдирни ҳал қилувчи саволдир. Уларга жавоб топиш билан инсон хотиржамлик ва роҳатни ҳис қиласиди. Иккинчиси, эҳтиёжлар ва гаризаларни қондириш муаммоларини ҳал қилишга тааллуқли иккинчи даражали саволлар.

Инсоннинг саволлари ва муаммоларини бир неча тугуни бор арқонга ўхшатиш мумкин. Бу тугунларнинг бири ечилиши қийин бўлган асосий бўлиб, қолганлари кичик, иккинчи даражалидир. Асосий бош тугун ечилсагина қолганларини тўғри ечиш мумкин. Асосий чигаллик (тугун) эса бу ҳаётнинг ҳақиқати, ундан олдинги ва кейинги нарсалар, ҳаётни ўзидан олдинги ва кейинги нарсаларга алоқаси ҳақида инсонни ўйлантирувчи саволлардир. Буларга тааллуқли саволларга жавоб бериш билан бу тугун ечилса қолган саволларни, муаммоларни ечиш осон бўлиб қолади. Бу асосий тугун ечилмаса бошқа муаммоларни ҳал қилишда инсон гангид қолади. Чунки асосий тугун тўғри йўл билан ечилмаса инсон ўз қисматига хотиржам бўла олмайди. Инсоннинг воқелиги билан уни ўйлантирган асосий чигалликни бутун ҳаётини горда ўтказиб, биринчи марта улкан, ҳашаматли қасрга кирган инсон ҳолатига ўхшатиш мумкин. У ерда бирор ножӯя иш қилиб қўйишдан қўрқиб, қаср эгасининг жазосидан чўчиб нима иш қилишни билмай тураверади. Унинг саломатлигини, ёмон ҳолатга тушиб қолмаслигини кафолатловчи муносиб харакатни билмай ҳайрон қолаверади. Қаср эгаси билан танишиб, унинг буйруқ ва қайтариқларини, кўрсатмаларини билиб, қилиши зарур бўлган ишларни билмагунча хотиржам бўлмайди.

Асосий чигалликнинг воқелиги шундай. Шунинг учун фикрий асос борлиқ, инсон, ҳаёт ва улардан олдинги ва кейинги нарсалар ҳақида куллий (умумий) фикр бўлиши керак. Ақлий ақидани таърифи шундай бўлгани учун фикрий асос ақлий бўлиши зарур. Агар бу саволларга аниқ, тўлиқ жавоб беришга қодир бўлса фикрий асос бўлади ҳамда ақлий ақида бўлади. Акс ҳолда фикрий асос ҳам, ақлий ақида ҳам бўлмайди. Ўз навбатида ўзгартиришга, уйғонишга асос бўлишга ярамайди.

Куллий (умумий) фикр яъни ақлий ақида ёки фикрий асосни борлиги, уни фикрлаш ва майлларга асос бўлишга яроқли экани— у тўғри асос деган маънони англатмайди. Балки тўғри асос бўлиб, тўғри уйғонишга олиб бориши ёки нотўғри асос бўлиб тўғри уйғонишга олиб бормаслигидан қатъий назар уни асос эканлигини билдиради. Асосни тўғри уйғонишимиизга кафил бўлувчи тўғри асос қилувчи омилни кейинги фаслда кўриб чиқамиз,

## 7 фасл

### **Фикрий асосни тўғри бўлиши шартлари**

Ўтган фаслда айтиб ўтдикки, асос инсоннинг барча саволларига (айримларига эмас) жавоб берадиган, ҳамма муаммоларини (айримларини эмас) ҳал қиласиган борлиқ, инсон ва ҳаёт ҳақидаги куллий (умумий) фикр бўлсагина фикрий асос ҳамда ақлий ақида бўлади. Чунки қандайдир бир фикр ҳам бир муаммони ҳал қилиши ва фаръий (жузъий) фикр бўлиб қолиши мумкин. Ёки баъзи бир муаммоларни ҳал қилиб, ҳамма муаммоларни ҳал қила олмайдиган умумий фикр (куллий эмас) бўлиши мумкин. Бироқ бундай фаръий ва умумий фикрлар фикрий асос бўлишга ярамайди. Фақат куллий фикргина фикрий асос бўла олади. Уни куллий фикр эканлиги тўғри фикр эканлигини билдирамайди. Фақат фикрий асос эканлигини англатади. Бу асосни тўғри ўзгартиришга ва тўғри уйғонишга олиб борадиган тўғри асос қилиб қўядиган икки шарт бор:

- а) ақлни қаноатлантириши
- б) фитратга мос келиши.

Фикрий асос ақлни қаноатлантириши:

Бу шартдан мақсад фикрий асос асосий чигаликка (муаммога) бераётган ечими ақлга қурилган бўлиши керак. Яъни бу ечимга ақлий йўл билан эришилган ва соғлом ақл истаган соатда унинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши мумкин бўлсин. Бу эса ечимнинг воқелигини идрок этиш ва унинг моҳиятини кўрсата олиш билан амалга ошади. Ушбу шарт топилса ечим ақлни қаноатлантирган бўлади. Энди у инсон табиатига (фитратига) мос келса тўғри ечим, акс ҳолда нотўғри ечим бўлади.

Ақлга қурилган ечим уйнинг пойдеворига ўхшаб пишиқ, пухта, кучли асос бўлиб унда бирор дарз-ёриқ бўлмайди. Агар ечим ақлга қурилган

бўлмаса эски уйга ўхшаб мустаҳкам бўлмагани учун остига сувлар сизиб киради-да, охири уйни вайрон қиласди.

Шунга ўхшаб асосий муаммони ечими яъни фикрий асос ёки ақлий ақида ҳар қандай дарз-ёриқдан, камчиликдан ҳоли бўлиши керак. Чунки ундаги дарз ёки камчилик бир кунмас-бир кун унинг қулашига, барбод бўлишига олиб бориши муқаррар ва ўз навбатида ақлга қурилган асос эканлигига, ҳам зид келади. Масалан, асосий муаммолардаги саволлардан бири бўлган яратувчи зот ҳақидаги саволга ечим шундай жавоб берган деб фараз қилайлик: «Борлиқ, инсон ва ҳаётни яратган зот дарёдир». Бундай жавоб ақлни қаноатлантирумайди. Чунки яққол кўриниб турибдики, инсон дарё оқимини буриб юбориш, ҳажмини қўпайтириш ёки озайтириш орқали ёки уни йўқ қилиб юбориш орқали дарё воқелигини ўзгартириши мумкин. Ўзини ҳимоя қилишга ожиз зот яратувчи бўла оладими? Ўзида йўқ бирорвга беролмаслиги оддий ҳақиқатдир. Ўзини ҳимоя қилишдан ожиз дарё ҳақиқий яратувчининг сифати бўлган бошқа нарсаларни йўқдан бор қилишга албатта ожиз бўлади. Шу туфайли бу асос пучга чиқади. Бу масалага берган ечими нотўғрилигидан асосни ҳам нотўғрилиги исботланади.

Шунга ўхшаш денгизлар, дарёлар, юлдузлар, бутлар ва табиатни илоҳ дейдиган юзлаб фикр ва эътиқодлар пучга чиқади.

Демак, ечим тўғри бўлиши учун ёрқин фикрлаш асосига қурилган бўлиши яъни асосий муаммога ёрқин фикрлаб жавоб берилиши зарур.

Асосий муаммони ёрқин фикрлаб ечиш учун ёрқин фикр нималигини билишимиз керак. Бунинг учун ақл ёки фикрлаш, сўнгра фикрлаш даражаларини, шу жумладан ёрқин фикрлаш воқелигини билишимиз зарур.

Ақл юритиш ва фикрлаш нарсалар воқелиги билан шу нарса ҳақидаги қадимдан олинган собиқ маълумотни бир бирига боғлаш орқали нарсалар воқелигига хукм чиқарувчи зехний жараён.

Фикрлашни ягона йўли ақлий йўл бўлиб, у тўрт руқнга асосланган. Шу тўрт руқн жам бўлсагина нарсаларга хукм чиқариш мумкин. Улардан бирортаси бўлмаса фикрлаш мумкин бўлмайди ва воқеликка хукм чиқариб бўлмайди. Бу тўрт руқн куйидалар

1. Воқелик.
2. Воқеликни ҳис қилиш.
3. Воқелик ҳақидаги собиқ маълумот.
4. Боглашга яроқли мия.

Энди ақлий йўлга шундай таъриф бериш мумкин. У баҳслашиш (текшириш)даги муайян услуб бўлиб, баҳс қилинаётган нарсанни моҳияти шу услуб орқали билиб олинади. Бунда воқеликка хукм чиқариш учун воқеликни ҳис қилиш сезги аъзолари ёрдамида мияга кўчирилади ва шу

воқеликни шархлаб, изохлаб берувчи собиқ маълумотга боғланади. Кейин мия воқеликка хукм чиқаради. Чиқарилган хукм фикр дейилади. Демак, фикр нарсалар воқелигига чиқарилган хукмдир.

Аклий йўл ҳис қилинадиган моддаларни (маъданлар, еруғлик, иссиқлик) баҳс қилишда ишлатилгани каби фикрлар, ақидалар, қонунчиликни баҳс қилишда ҳам ишлатилади. У билишнинг табиий йўли бўлиб у орқали нарсалар идрок этилади.

Фикрлаш уч даражага бўлинади;

1. Юзаки фикрлаш.
2. Чуқур фикрлаш.
3. Ёркин фикрлаш.

Фикрлашнинг бу уч даражасини бир оз ёритиб ўтамиз.

### **Фикрлаш даражалари**

#### *A) Юзаки фикрлаши*

Бундай фикрлаш нарсаларни ўраб турган шароитларни тушунишга уринмай ёки чуқур ўрганмай, фақатгина ташки кўринишларига, юзасига караб хукм чиқарилади.

#### *B) Чуқур фикрлаши.*

Бунда нарсаларни ташки кўринишга, юзасига назар солиш билан кифояланмай, уларнинг воқелигини чуқур тушунилади. Шу сабабли у модданинг зоти ва таркиби ҳакида баҳс қилишга ярайди. Лекин нарсаларнинг ҳақиқатини билиш унинг шарт-шароитларни ёки уни бошқа нарсаларга боғлаб турган нозик ипларни тушуниб этишга муҳтоҷ бўлгани учун чуқур фикрлаш уларнинг ҳақиқатига хукм чиқаришга ярамайди, Шу туфайли чуқур фикрлаш ҳис этиб бўлмайдиган ишларга хукм чиқара олмайди.

#### *B) Ёркин фикрлаши.*

Мана шундай фикрлаш асосий муаммога тўғри ечим беришга кафилдир. Чунки у юқоридаги икки хил фикрлаш каби нарсани ташки кўринишига ва уни чуқур ўрганишга кифояланмай, текширилаётган нарсани ўраб турган шароитларни ҳам, бу нарсани бошқа нарсаларга боғлаб турган алоқаларни ҳам ўрганади, Сўнг қатъий хукмни чиқаради.

Фикрлаш даражалари ўртасидаги фарқни ойдинлаштириш учун мисол келтирамиз. Масалан, уч кишидан бирор дарахтнинг воқелигига хукм чиқаришларини сўрасак, воқеликка хукм чиқаришда тутган йўллари куйидагича бўлади:

Биринчиси дарахтга назар солиб муайян шаклдда баргларини ва меваларини кўриб “бу дарахт лимон дарахти“ деб хукм чиқаради.

Иккинчиси эса юзаки назар солиб қўймасдан, лимонни мевасидан ва баргларидан узиб, уларни текшириб чиқади. Шохларига ва танасига назар

солади. Дарахтни атрофлигича ўрганади. Йиғган маълумотлари натижасида унинг воқелигини идрок этиб «бу лимон дарахти» деб хулоса чиқаради.

Учинчиси эса ўзидан олдинги икки киши қилган ишни қилади. Бунга кўшимча қилиб, дарахтни бу ерда қандай пайдо бўлганини ва қандай ўсиб чиққанини хам ўрганади. Бундан «бу нордон дарахт кичкина уругдан келиб чиққан» деган натижага келади.

Уни қаердан келиб қолганига қизиқиб, ёрқин фикрлаш оқибатида уни ўз ихтиёрисиз мажбуран экилганини билиб олади,

Шу мисол билан фикрлашнинг уч даражаси ойдинлашган бўлса керак, Биринчиси юзаки фикрлаш бўлиб, бундай фикрловчи инсон дарахтнинг ташки кўринишига қараб ҳукм чиқарди. Бундай фикрлаш омма инсонларнинг фикрлаши бўлиб, сезги аъзолари ёрдамида воқеликни ҳис қилиб, шу ҳис қилиш мияга узатилади ва миядаги собиқ маълумотлар билан боғланади. Бунда дарахтни ўраб турган шарт-шароитларни ва унга боғлиқ нарсаларни билишга ҳаракат қилинмайди. Бу ҳолат жамоатларнинг, тубан фикрловчи ва оми инсонларнинг фикрлашларида устун туради. Юзаки фикрлаш уйғонишни олдини тўсгани ва фаравон яшашга имкон бермагани учун ҳалқлар ва умматлар бошига тушган балодир.

Чукур фикрлаш эса юқоридаги мисолимизда дарахтни чукурроқ, яхшироқ билишга уринишда ва бир марта ҳис қилиш, яъни бир марта назар солиш билан ҳамда у ҳақидаги собиқ маълумотлар билан кифояланмасликда намоён бўлади. Балки у дарахтни турли қисмларини қайта-қайта кўриб чиқади. Бундай фикрлаш олимларнинг фикрлашидир. Энг кераклиси бўлган ёрқин фикрлаш эса фикрлаш даражаларини юксагидир. У кўзланган гояга зарур бўлган тўғри натижаларга эга бўлиш учун воқелик ҳақида чукур фикрлаш ва шунга кўшимча равишда унинг атрофидаги, унга алоқадор нарсалар ҳақида фикрлашдан иборат.

Фикр савиясини кўтариш ва муфаккирларни етишириб чиқариш учун ёрқинлик зарур. Ёрқин фикрлаш таълим олишни, ўқимишли бўлишни талаб қилмайди. Масалан, «Ерда ётган тезак ҳайвон борлигини, из эса йўловчи ўтганлигини билдиради» деяётган чўпон ёрқин фикрловчидир. Ваҳоланки Аллоҳдан бошқа нарсага (бутга) сажда қилаётган ядро олими ёрқин фикрловчи эмас. Чунки у сажда қилаётганда ақлини ишлатмади.

Шунга кўра асосий муаммо ёрқин фикрлаш орқали ечилиши керак. Чунки саволлар нарсаларнинг зоти-моҳияти ҳақида бўлмай, балки бу нарсалардан олдинги ва кейинги нарсалар ҳақида, бу нарсалар ўзидан олдинги ва ўзидан кейинги нарсаларга алоқаси ҳақида ҳамдир. Бу саволларга нарсаларни ташки кўринишидан, моҳиятидан жавоб чиқмайди. Тўлиқ жавоб нарсалардан ташқаридаги нарсалардан чиқади. Чунки

нарсаны вұжудға келтирувчи унинг бир қисми ёки ташқи күриниши бўлмайди, Балки бутунлай бошқа нарса бўлади.

Шу сабабли асосий муаммони ақлни қаноатлантирадиган қилиб ечиб олишимизга ёрқин фикрлаш кафил бўлади. Асосий муаммони ечиш учун таклиф қилинаётган ечимлар устидан ҳукм чиқаришга ҳам угина лойикдир.

### **Фикрий асос фитратга мос келиши:**

Бу шартдан мақсад асосий муаммога фикрий асос берадиган ечим инсон фитратига мос ечим бўлсин. Яъни инсон воқелигидаги ожизлик, нокислик ва ўзидан бошқага муҳтожликни тан олиб, уларни қондириш учун керакли тартиб-низомларни тузиб берсинг. Фитрат нима?

Фитрат муайян шакл ва тартибдаги инсонда мавжуд бўлган хоссалар (хусусиятлар)дир. Бир бўлак темирга ишлов бериб, муайян шаклга келтирилса кесиш хусусиятига эга пичоқ бўлиб қолгани каби инсон ҳам муайян шаклда тузилгани учун унда муайян хусусиятлар бор.

Фитрат инсонни турли ишларни бажаришга ундайдиган ҳаётий кучлар деб таърифлаш мумкин. Масалан, инсон қорни очган пайтда ички бир куч борлигини сезади. Бу куч инсонни маълум бир ишларни бажаришга ундайди. Бу ишларни бажарилиши натижасида ушбу куч тинчидан қолади ёки сарфланиб кетади. Бундай ҳолатда эса яъни овқатта гэхтиёж сезганда овқатланиши биланоқ у куч тинчиди, инсонни безовта қилмай қўяди.

Бу кучлар аломатлари ва күринишларига қараб икки хил бўлади.

а) Узвий эҳтиёжлар (аъзо эҳтиёжлари).

Бу эҳтиёжлар инсондан қатъий қондиришни талаб этувчи ҳаётий кучлар бўлиб, агар қондирилмаса инсон ўлади. Масалан, еб-ичишга, ҳожатхонага боришга эҳтиёж ёки дам олиш, ухлаш каби муайян вазиятларга эҳтиёж каби. Бу эҳтиёжлар бирор муддат қондирилмаслиги ёки муайян вазиятлар яратилмаслиги инсонни ўлимига олиб боради. Узвий эҳтиёжни қондиришни ёки муайян вазиятларни пайдо қилишни талаб этаётган ундовчи кўпинча ичкарида (ички) бўлади.

Узвий эҳтиёжларни бундай номланишига сабаб ҳар бир эҳтиёж ёки вазият бир ёки бир неча аъзодан келиб чикади. Эҳтиёжни күриниши ёки аломатига қараб эҳтиёжни борлигини билиб оламиз. Масалан, очлик овқатланишга бўлган эҳтиёжни күриниши, чанқаш эса ичишга бўлган эҳтиёжни күриниши, эснаш, мудраш уйқуга бўлган эҳтиёжни аломати ва ҳоказо.

б) Ғаризалар (инстинклар).

Ғаризалар ҳам ҳаётий кучлар бўлиб, тана ичкарисида мавжуд ҳошишларни қондириш учун муайян ишларни бажаришга инсонни ундайди, Ғаризалар билан узвий эҳтиёжлар ўртасида бир неча фарқ бор.

## 1. Ундовчи ёки қўзғатувчи.

Узвий эҳтиёжни қузғатувчи кўпинча ичкарида бўлса, ғаризани қўзғатувчи доимо ташқарида бўлади. Масалан, инсон ташқарида бирор қўзғатувчи аёлни ёки унинг суратини кўриб қолса ёки унинг суратини кўз олдига келтирса ёки бирор жинсий (сексуал) манзарани ҳаёлидан ўтказса нав ғаризасидаги жинсий мойиллик қўзғалганини сезади. Агар бундай қўзғатувчи бўлмаса ғариза қўзралмайди, эркак жинсий мойилликни, қўшилишга интилишни хис қилмайди. Бошқа ғаризаларда ҳам ахвол шундай. Ғаризаларга тааллукли барча ечимлар, чоралар мана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб тузилиши керак.

## 2. Қондириш.

Узвий эҳтиёжни албатта қондириш зарур, Уни қондирмаслик инсонни ўлимга олиб боради. Ғаризани қондирмаслик бирон ҳолатда ҳам инсонни бевосита ўлимга олиб бормайди. Фақат сиқилиши, безовта бўлишига сабаб бўлади.

## 3. Эҳтиёж ўрни.

Баъзи ҳолларда узвий эҳтиёжга муҳтож бўлаётган тана аъзосини белгилаш мумкин. Масалан, очлик ошқозоннинг эҳтиёжи, ҳаво ўпканинг эҳтиёжи ва ҳоказо. Ғаризаларда эса буни белгилашни иложи йўқ. Раҳбарликни ёки мулқдорликни яхши кўриш ёки жинсий мойиллик фалон тана аъзосиининг эҳтиёжи деб бўлмайди ва ҳоказо.

Ғаризаларни ҳам узвий эҳтиёжларга ўхшаб сезги аъзолари ёрдамида хис этиб бўлмайди. Уларнинг борлигини кўриниш ва аломатларидан билиб оламиз.

Юқорида айтганимиздек ғариза инсон моҳиятининг бир қисмидир. Инсон маълум бир шаклда тузилган. Унинг бу тузилиши бундай ғаризалар бўлишини қатъий равища тақозо этади. Яъни бу тузилиш туфайли унда бу ғаризалар ўз-ўзидан пайдо бўлади. Ғариза кўринишларига келсак улар ҳакикий куч (ғариза)дан бошқачадир. Дараҳт илдиз ва шоҳлардан иборат бўлгани каби кўриниш ҳам ғариза шоҳчасидир Шоҳни қирқиб ташлаш ёки бошқасига алмаштириш мумкин бўлса-да, ЛЕКИН илдизизни ўзгартириш мумкин эмас. Чунки бу дараҳтни йўқ килиш демакдир. Шунга ўхшаб ғариза илдиз бўлса, кўринишлари шоҳларидир. Масалан, нав ғаризасининг кўринишларидан бири бошқа жинсга мойиллиқдир. Бу мойиллик аёлга нисбатан турли кўринишларда майл бўлишда кўринади. Эр хотинига шаҳват билан мойил бўлади. Қизига ёки синглисига меҳрибонлик билан мойил бўлади. Онасига нисбатан хурмат билан мойил бўлади. Шу туфайли бир кўриниши ўрнини бошқа кўриниш босаверади. Ғаризани бир кўриниши рўёбга чиқиб, колган кўринишлари рўёбга чиқмаса ҳам ғариза қонаверади. Шунинг учун кўпинча онанинг меҳрибонлиги хотинини яхши кўришдан йигитни буриб қўяди. Ёки хотинини яхши кўриб онасига

бепарво бўлади. Шунга ўхшаш ҳолатларда ҳам ғариза қониқаверади. Аммо ғаризани йўқ қилиш, уни сиқиши мумкин эмас. Инсонларда ғариза қуввати хар хил бўлсада, бу ғаризаларнинг биридан маҳрум бўлган инсон асло йўқдир. Ғаризилар учта бўлиб, улар куйидагилар: 1. Бақо (яшаш учун кураш) ғаризаси.

Бу Ғариза инсон бажарадиган бир қанча ишларда намоён бўлади. Бу ишларни онгли ёки онгсиз равишда бажариш оқибатида инсон хотиржам бўлади ва алоҳида шахс сифатида ўзини сақлаб қолади. Масалан, у доимо мол-мулкка эга бўлишга интилади, ривожланмай қотиб қолишни хоҳламайди, ҳамиша олдинга ҳаракат қиласи ва ҳоказо. Бақо ғаризасининг энг муҳим кўринишлари мулкорликни, обрўйликни яхши кўриш, хукмронликни, раҳбарликни яхши кўриш, тубанлашиб кетишдан кўркиш, шижоатли қатъий бўлиш.

### 2. Нав (инсон навини сақлаб қолиш) ғаризаси.

Бу ғариза инсонни жинс сифатида яъни инсоний нав сифатида сақлаб қолишга интилади. Жинс сўзидан инсонлар ҳам хайвонлар ҳам тушунилсада, лекин бу ғариза ҳайвон жинсини эмас, айнан инсон жинсини сақлаб қолишга инсонни ундейди. Унинг муҳим кўринишлари аёл зотига барча шакллардаги мойиллик, бечораларга ёрдам бериш, чўкаётганни кутқариш, муҳтожга кўмаклашиш. Қисқача қилиб айтганда бу ғариза инсонни бошқа инсонларга интилишида намоён бўлади. Нав ғаризасини Бақо ғаризасидан фарқи бор. Бақо ғаризаси инсонни шахс сифатида сақлаб қолишга унласа, кейингиси жинси, ранги, дини, ватани, миллатидан қатъий назар инсон навини сақлаб қолишга ундейди, Масалан, инсон денгизда чўкаётган инсонни кутқариш учун иккиланмай ўзини сувга отади. Бунда ўзига келадиган бирор моддий фойда ёки зарар ҳакида ҳам, чўкаётган инсонни дини, жинси, ранги ҳакида ҳам ўйламайди. Уни факат кутқариш кизиктиради.

### 3. Тадайон (диндорлик) ғаризаси.

Номидан кўриниб турибдики, бу ғариза борлик, инсои ва хаёт устидан хукмронлик қилаётган куч деб инсон ҳис қилган нарсани, вужудни мұқаддас санашга ҳар бир инсонда мавжуд бўлган табиий мойилликда намоён бўлади. Бу мойиллик инсон ўзини ожизлигини, ноқислигини, бутун борлиқни ва ундаги нарсаларни тартибга солувчи кучга муҳтожлигини ҳис қилишидан пайдо бўлади. Бунга сабаб: Инсон бақо ғаризасини қондиришдан, ўзини сақлаб қолишдан ожиз бўлиши натижасида ва нав ғаризасини қондиришдан, ўз навини сақлаб қолишдан ожиз бўлиши натижасида унинг бошқа туйғулари яъни бўйсуниш, таслим бўлиш туйғулари қўзгалади, Масалан, кўп ҳаракат қилиб ризқини кўплайтира олмаганида ёки оғир касаллиқдан шифо топа олмаётганида

ўзини ожизлигини, қўлида кўп имконият йўқлигини, ўзига ёрдам берадиган зотга муҳтоҗлигини ҳис қиласди. Оқибатда Аллоҳга илтижо қиласди ёки раҳбарни олқишлийди ёки кучли инсонни хурмат қиласди. Ожизлик, ноқислик ва ўзидан бошқага муҳтоҷликни ҳис қилиши шунга сабаб бўлади. Диндорлик (тадайон) намоён бўладиган кўриниш холик-мудаббир (яратувчи, тартибга солувчи) деб ишонаётган ёки холик-мудаббир деб тасаввур қилаётган нарсани-вужудни муқаддаслаш, улуғлашдир. Гоҳо муқаддаслаш ўзининг хақиқий суратида намоён бўлади ва у ибодат бўлиб қолади. Гоҳо тубанроқ суратда намоён бўлади-да, улуғлаш, хурмат қилиш, иззат-икром кўрсатиш бўлади.

Муқаддаслаш қалб эҳтиромининг юкори чўққиси бўлиб, у кўркувдан келиб чиқмайди. Балки диндорликдан келиб чиқади. Чунки кўрқишининг кўриниши муқаддаслаш эмас, балки хушомад қилиш, қочиб қолиш ёки ўзини мудофаа қилишдир. Бу ҳолатлар муқаддаслаш моҳиятига зиддир. Демак муқаддаслаш кўрқиши эмас, балки диндорликнинг кўринишидир. Диндорлик алоҳида мустақил ғариза бўлиб бақо ғаризасидан бутунлай бошқачадир.

Ғаризалар воқелиги шундай бўлиб учта асосдан: яшаш учун қураш, ўз навини сақлаб қолиш ва табиий ожизликни ҳис қилишдан иборат. Мана шу ҳис қилишдан юкоридаги уч табиий асосларнинг кўринишилари бўлган характеристлар, амаллар келиб чиқади. Шунга биноан ғаризалар учта бўлиб, бошқа ғариза мутлақо мавжуд эмас.

Мана шулар фитратнинг воқелигидир. Асосий муаммони ечими бўлган фикрий асос ёки ақлий ақида ёки фикрий пойdevор инсон фитратига мос келиши зарур деб айтишимиздан мақсад бу ечим (фикрий асос) инсон фитратидаги ожизлик, Холиқу-мудаббирга муҳтоҷликни тан олиши зарур. Бошқача ибора билан айтганда, ечим диндорлик ғаризасига мос келиши керак. Чунки бошқа ғаризалар ўз-ўзидан диндорлик ғаризасига боғланади. Ечим диндорлик ғаризасига мос бўлса, фитратга мос бўлади ва ечимнинг тўғри эканлигига далил бўлади. Ечим диндорлик ғаризасига зид келса фитратга ҳам зид келади ҳамда фикрий асоснинг нотўғри эканлигига далил бўлади. Демак ечим ақлни қаноатлантириб, диндорлик туйғусини ҳам тан олса, тўғри ечим ва тўғри фикрий пойdevор бўлади, инсон қалбини хотиржам қиласди ва тўғри уйғонишга олиб боради. Акс ҳолда инсон ҳаётини бахтсиз қиласиган нотўғри асос бўлади. Чунки ғаризани тўғри қондирмаслик сиқилиш, безовталик ва хотиржам бўлмасликка олиб боради.

Асосий муаммони ёрқин фикрлаш ёрдамида тўғри ечиб олиш баҳсига киришишдан олдин юкорида ўтган фикрлар атрофида кўзғалиши мумкин бўлган баъзи саволларга жавоб бериб кетишимиз зарур. Баъзилар айтиши мумкинки, «Ечим инсон фитратига яъни диндорлик ғаризасига мос

келиши шарт дейишларингиз билан ечимни олдиндан белгилаб кўйяпсизлар. Гўёки жавоб қандай бўлиши кераклигини тайин қилиб кўйяпсизлар. Сизлар мусулмонлар сифатида яратувчи борлигига ишонасизлар ва албатта бундан таъсирангансизлар». Бу саволга раддия сифатида шундай деб жавоб берамиз: «Инсон воқелигини атрофлича ўрганиб чиқкандан сўнг, ечим инсон фитратига мос келиши шартини кўйдик». Инсон воқелиги яққол кўриниб, сезилиб турган вужуд бўлиб ҳар қандай ақлли киши буни идрок этиши мумкин.

Суви бор одам бир чанқоқ кишини чанқаганини тан олмаса, чанқоқ киши сув ичиши мумкинми? деб айтсақ, бу гапимиз ечимни (жавобни) олдиндан белгилаб бериш бўладими? Ёки бу воқеликни тўғри баҳолаш бўладими? Катта-кичик кўплаб муаммоларга берилган ақлий ечимлар ақлларни тўлдираётгани ва инсон қалби хотиржам бўлмаса ҳам уларга сукут сақлаётгани, индамаётгани яққол кўриниб турмаяптими? Аслида бу ечимларга қаноатланмасада уларга бўйсуниб, жим турибдику! Шу туфайли бундай инсон ўз ҳолига ташлаб кўйилса тезда бунақа ечимлардан воз кечади ва бошқа ечимларга юзланади. Инсоннинг воқелиги шундай экан, унинг яшаш тарзи мустаҳкам равишда давом этиши мумкинми? Буни жавоби аник.

Бундан ташқари, диндорлик туйғусини инкор қилиш ва ечим фитратни тан олмаслиги гўёки инсонни ҳавога, сувга, овқатга бўлган эҳтиёжини тан олмасликка ўхшайди. Демак диндорлик туйғуси инсон табиатида аник мавжуддир. Яратувчини қандай тасяввур қилишидан катъий назар, ҳолиқ мудаббирнинг мавжуд бўлиши кераклигига бўлган эҳтиёжни ҳис килмайдиган инсон бу дунёда йўқ.

Маълумки инсон пайдо бўлганидан бери доимо бирор нарсага ибодат қиласди, сигинади. Ҳар бир асрда бирор нарсага сигинган. Қуёшга, юлдузларга, оловга, бутларга ибодат қилган. Ҳокимлар халқларни диндорликни тарқ этишга мажбур қилсаларда, халқлар зўравонликка қарамай динни ташлашдан бош тортганлар. Буни йўлида турли қийнок-азобларга чидаганлар. Бирорта куч инсондан диндорликни тортиб олишга, яратувчи деб ишонаётган зотни мукаддаслашини йўқотишга қодир бўлмади. Гарчи маълум бир пайт диндорлигини деворлар орасига, қалбини тўрига яширишга инсонни мажбур қила олган бўлса ҳам.

Баъзи инсонларда кўринаётган кофирилик, худосизлик, ибодатни масхара қилиш ҳоллари мутлак кофирилик борлигини билдирамайди. Яъни бутунлай хеч нарсага сигинмайдиган ғирт кофири эканлигини англатмайди. Балки бу ҳолат диндорлик ғаризасини хато ёки нотўғри қондиришидир, Ҳақиқий яратувчига ибодат қилиш ўрнига куч-тоқатини қаҳрамонлар, улуғлар ёки табиат ва шунга ўхшаш нарсаларга ибодат қилишга

сарфлаяпти. Бундай ҳолат адаштириш ва воқеликни нотўғри шарҳлаш натижасида юзага келган. Шу туфайли иймонли бўлишдан кўра кофир бўлиш кийинроқ. Чунки кофирлик инсонни ўз табиатидан буриб юбориш демакдир. Бу эса катта ҳаракатлар қилишга муҳтож бўлади.

Шу сабабдан кўрамизки, кўплаб даҳрий-худосизлар ҳақиқатни билиб қолишгач, кўзлари ва ақлларида пардалар йўқолгач, яратувчи борлигини аниқ билишгач, дарҳол иймонни маҳкам ушлайдилар ва роҳат хотиржамликни хис қиласидилар. Уларнинг иймонлари кучли бўлади. Чунки бу иймон ақл вижданга боғланиши ва фитрат фикрлаш билан учрашиши оқибатида аниқ ишонишгаолиб борган хис қилишдан келиб чиқсан, натижада кучли иймон ҳосил бўлган.

Ушбу узун гаплардан сўнг асосий муаммони ёрқин фикрлаш ёрдамида тўғри ечиб олиш пайти келди. Буни кейинги фаслда баён қиласиз.

## 8 фасл

### Асосий муаммони ёрқин фикрлаш ёрдамида ечиш

Энди ақлни қаноатлантирадиган, фитратга мос келадиган, ёрқин фикрлашга асосланган энг тўғри ечимни ҳавола этамиз. Унда ҳеч қандай хато ва ёлғон йўқ деб ишонамиз. Токи бу ечим асосий муаммога ечим сифатида тақдим этилаётган ҳар қандай ечимни тўғри ёки нотўғрилигини белгилаб берадиган ўлчов бўлиб қолсин ва ўйлантирган саволларга жавоб берадиган ақидани ташкил этсин.

Илгари айтиб ўтганимиздек асосий муаммо инсонни борлиқ, инсон ва ҳаёт ҳақидаги саволлариdir. Чунки инсон ҳаётни англай ва нарсаларни фарқига бора бошлагач сезги аъзолари хис қиласетган нарсаларнинг ҳақиқати ҳақида сўрай бошлайди. Илгари йўқ бўлган нарсалар бу дунёга қандай келиб қолганлиги ҳақида сўрайди. Атрофидаги тирик мавжудотларда кўраётган, мушоҳада қилаётган ҳаётнинг сири ҳақида сўрайди. Бу ҳаётни жонсиз нарсаларда йўқлиги ҳақида ўйлайди. Ўзи кўраётган борлиқнинг ҳақиқати ҳақида, ундаги куёш, сайёralар, юлдузлар ҳақида сўрайди.

Қисқаси унинг саволлари сезги аъзолари (кулок, бурун, кўз, оғиз, тана) сезаётган нарсаларга, уларнинг пайдо бўлишига қаратилган. Бу нарсалардан олдин ҳам бирор нарса бормиди? Бу нарсалардан кейин бирор нарса борми ёки йўқми? Бироқ шу саволларнинг энг муҳими ўзининг пайдо бўлиши, қисмати ва пайдо бўлишидан кўзланган ғоя устида бўлади.

Инсонанглай бошлагандан бери ва унга катта чигаллик ёки асосий муаммони туғдирган саволлар ҳақида сўрашни бошлагандан бери бу саволлар уни қийнайди, тинч қўймайди. Бу саволларга жавоб топсагина нафси ором олади, безовталиқдан халос бўлади. Топган ечими ақлни қаноатлантирса ва фитратга мос келса тўғри ечим бўлади, ҳамда доимий,

комил хотиржамликка олиб боради. Агар ечим ақлни қаноатлантиrmаса ва фитратга мос келмаса сохта хотиржамликка олиб боради. Бу сохта хотиржамлик тезда барҳам топадида, саволлар янгитдан қўзғалади ва каттиқ безовталик инсон вужудини яна қамраб олади, Ҳар қандай ҳолатда ҳам хато ечимни асоси нотўғри бўлгани учун тўғри уйгоноишга асло олиб бормайди.

Асосий муаммони ҳал қилишда ёрқин фикрлашни ишга солсак кўрамизки, инсон ҳис қилаётган нарсаларни—ўрталаридағи муштарак хусусиятлар жиҳатидан—учта асосий нарса (инсон, ҳаёт ва борлик)га бўлиш мумкин. Инсон ҳис қилаётган барча нарсаларда намоён бўлаётган бу уч нарсанинг борлиги аниқдир, Чунки бу нарсалар сезги аъзолари ёрдамида ҳис қилинган, Маълумки, сезги аъзоларининг ҳис қилинган нарсанинг борлигига чиқарган ҳукми қатъий, аниқ бўлиб унда гумон ёки шубҳа бўлмайди, Бу нарсаларнинг муҳтож эканлиги ҳам аниқдир. Оламда ўзидан бошқага муҳтож бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ.

Инсоннинг олсак унинг ҳаво, сув, озиқ-овқат каби минглаб нарсаларга муҳтожлиги аниқдир.

Ҳаёт эса мавжудотдаги харакатланиш ва ривожланиш кўриниши бўлиб, шу кўриниш тирикни қотиб қолган, харакатланмайдиган ёки ўлган нарсадан ажратиб туради. Ҳаётни ҳаво ва сувга муҳтожлиги яққол сезилиб туради.

Борликка келсак, у қуёш, ой, ер, Сатурн, Меркурий каби кўплаб жисмлардан иборат. Бу жисмларнинг ҳар бири матълум бир низом (тартиб-қонун) асосида ҳаракатланади ва бу низомни асло ўзгартира олмайди. Бу низомни озгина ўзгариш фалокатларга сабаб бўлади. Бу низом (ёки бошқача қилиб айтганда ҳаракат йўналиши ёки айланиш ўки арбита) жисм билан бўлган алоқасида учта фараз бор. Бу низом юлдузнинг бир бўлаги, қисми ёки унинг бир хусусияти ёки унга бошқаси тарафидан мажбуран берилган. Борлиқдаги ҳар бир нарса ўз низоми билан шундай боғланган. Низом вокелигини ва уни юлдузлар билан алоқасини текшириб кўрсак, низом юлдузларнинг бир қисми жузъи эмаслигини кўрамиз. Чунки низом (ҳаракат йўналиши ёки айланиш ўки) бир йўл бўлиб юлдуз бу йўл бўйлаб доимий равишда ҳаракатланади. Маълумки йўл ҳайдовчи ва автомобилдан бутунлайн бошқа нарсадир. Бундан ташқари нарсанинг бир бўлаги унинг таркибидаги нарсалардан бири ҳисобланади. Агар юлдузнинг таркибини текшириб кўрсак унинг бўлакларида низом (тартиб-қонун) деб аталағидиган бирор бўлакни кўрмаймиз. Буни сабаби шундаки, нарсага ҳукмронлик қилаётган низом шу нарсадан бутунлай бошқа нарса бўлади. Масалан, радио аппаратининг ишлаш тартиби радиодан бошқа нарсадир, Радио аппаратини бўлакларга бўлсак, бу бўлаклар орасида тартиб деган бўлакни

күрмаймиз. Бундан ташқари ўзининг барча бўлакларига ҳукмронлик қиласидиган ва уларга бўйсунмайдиган бирор нарсани масалан инсон танасини олсан, кўл унинг бир бўлагидир. Табиийки тана қўл устидан истаганича ҳукмронлик қиласи. Юлдузларнинг низомга (айланиш ўқи ёки ҳаракат йўналишига) бўлган алоқасида буни аксини қўрамиз. Юлдуз низомга бўйсунади. Буни акси бўлмайди. Бу эса низом юлдузнинг бир бўлағи эмаслигини билдиради.

Низом (ҳаракат йўналиши, айланиш ўқи) юлдузнинг бир хусусияти эканлигига ёки тартиблаш (танзим) хусусиятига эга эканлигига ёки тартиблашга қодир эканлигига келсан, кўриниб турибдики юлдуз бунга қодир эмас. Чунки бирор нарсада тартиблашга қудрат ёки тартиблаш хусусияти борлиги исботланиши учун ўша нарса лоақал бир марта бўлса ҳам тартиблаш жараёнини бажарган бўлиши керак. Масалан, инсонни гапиравучи деб сифатлаш учун у лоақал бир оғиз калима бўлса ҳам айтган бўлиши керак. Уни кулувчи деб сифатлаш учун у камида бир марта бўлса ҳам кулган бўлиши керак. Юлдуз бирор марта ўзини ўзи тартибга солганми? Ўз йўналишини ўзи белгилаганми? Табиийки, йўқ. Инсон борлиқни таний бошлагандан бери борлиқ, ундаги юлдузлар ўзгармас бир тартибда, бир низом остида ҳаракатланаётганини кўради. Бу эса юлдузларда тартиблаш (танзим) хусусияти йўқлигини билдиради. Чунки бундай хусусият тартиблашда яъни бир низомни (тартибни) бошқа низомга алмаштиришда, ўзгартиришда намоён бўлади.

Бундан ташқари хусусият сўзининг маъноси нарса ўзидан чиқариб берадиган нарса дегани. Бошқача қилиб айтганда, хусусият нарса муайян шаклда тузилганлиги ва мавжуд бўлганлигидан келиб чикадиган ҳолат дегани. Масалан бир бўлак темир ўткирланса кесиш хусусияти пайдо бўлади. Энди бу темир парчаси кесилиши мумкин бўлган нарсаларни (барг, гўшт ва ҳоказо) кесишга қодир бўлиб қолади. Унинг бу қудрати ҳеч качон ундан ажралмайди. Мўъжиза туфайлигина ундан ажралиши мумкин. Яна бир мисол: инсонда воқелик билан собиқ маълумотни бирбирига боғлашга яроқли мия борлигидан келиб чиқувчи тартиблаш хусусияти бор. Шунинг учун инсон ўз ҳаёти низомларини қонунларини доимо ўзгартираверади, бир ҳолатда қотиб турмайди. Ривожланган сари тартиблашга, ўзгартиришга қудрати ошиб боради. Бирорта самовий жисм ўзи бўйсунайтган низомни (тартибни) бирор марта бўлса ҳам ўзгартирганми? Бундай ходиса бўлмаганлиги аниқ. Агар бирор марта юз берганда эди, бу масалада тортишиб ўтирмас эдик. Шундан хулоса қиламизки, юлдуз қаттиқ риоя қилиб ҳаракатланадиган низоми (ҳаракат йўналиши, айланиш ўқи) унинг бир бўлағи ҳам, бир хусусияти ҳам эмас. Балки бутунлай бошқа нарсадир. Борлиқ жисмлар йиғиндинисидан иборат экан ва ундаги хар бир жисм уни ҳаракатлантирадиган низом (тартиб)га

муҳтоҷ экан бутун борлик ўзидан бошқага муҳтоҷ бўлади. Чунки муҳтоҷларнинг йиғиндиси ҳам муҳтоҷ бўлади.

Инсоннинг сезги аъзолари сеза оладиган нарсалар борлик, инсон ва ҳаётга чекланар экан ва булар ўзидан бошқага муҳтоҷлиги исботлангач уларнинг барчаси махлук (яратилган) эканлиги аён бўлади. Чунки ўзидан бошқага муҳтоҷ бўлаётган нарса яратувчи бўла олмайди. Яратувчи зот нарсаларни йўқдан бор қилгани учун ҳеч нарсага муҳтоҷ бўлмайди. Мана шу туфайли яратувчи зот борлик, инсон ва ҳаётдан ташқарида бўлиши зарур. Яъни борлик, инсон ва ҳаётни яратувчи деб хисобламаслик зарур.

Бу яратувчи махлук (яратилган) бўлмаслиги, балки азалий (бошланиш нуктаси йўқ) бўлиши зарур. Агар махлук бўлгандан эди холик бўла олмас эди, Чунки яратувчи ва яратилган махлукгина мавжуд бўлиб бири иккинчнисидан бутунлай бошқачадир. Агар яратувчининг бошланиш нуктаси бўлса, у ҳолда уни вужудга келтирган зотга муҳтоҷ бўлиб қолар эди. Бу эса нотўғридир. Чунки яратувчи асло бошқа нарсага муҳтоҷ эмас. Ушбу мулоҳазалар борлик, инсон ва ҳаёт ҳакидаги, уларнинг ўзидан олдинги ва кейинги нарсаларга алоқалари ҳакидаги саволларга ёрқин фикрлаш берган жавоблардир. Бу мулоҳазалардан махлукларда ўзидан бошқага муҳтоҷлик сифати борлигини исботлаш орқали яратувчи зот борлиги аникланди.

Баъзан айтилиши мумкинки, борлиқдаги нарсалар борлиқдан ташқаридаги вужудга эмас, балки борлиқдаги бошқа моддаларга муҳтоҷ бўлади. Нарсаларни бошқа нарсаларга муҳтоҷлиги яратувчи зот борлигини билдирамайди. Бунга жавоб шуки, инсон ҳам, сув ҳам модда. Инсон сувга муҳтоҷ бўлса, шунчаки сувга муҳтоҷ бўлмайди. Балки муайян тартибда ва муайян миқдордаги сувга муҳтоҷ бўлади. Агар бу миқдор купайиб ёки камайиб кетса инсон сув истеъмол қилишдан фойда кўрмайди. Фараз қиласлики, инсон ҳар куни бир литр сувга муҳтоҷ, Агар унга ҳар куни икки литр ёки ярим литр сув бериб турилса, бу миқдордаги сув унга заар келтиради. Кўп ҳолларда аста-секинлик билан ўлимга олиб боради. Шунга ўхшаб сув қайнаши учун муайян шароит ва муайян ҳароратга муҳтоҷ. Сув муайян шароитда қайнайди. Яъни сув билан ҳаво босими ўртасидаги нисбат юз градусга етгандагина қайнайди. Агар бу нисбат ўзгарса керак бўлган қайнаш юзага келмайди. Бу икки мисолдаги ва шунга ўхшаш сезги аъзолари ҳис қиласиган нарсалардаги нисбат қаердан пайдо бўлди?

Бу нисбат ва миқдор сув тарафидан пайдо бўлмаган. Агар шундай бўлгандা эди, сув ўзи истаган даражада қайнай олар эди. Минг кубометр сув шамнинг ҳароратига буғланишга қодир бўлар эди. Шунингдек низом (тартиб) инсон тарафидан ҳам яратилмаган. Инсон яратганида эди ўз

хоҳшига биноан истаганча уни ўзгартирарди. Шундан биламизки, бир модда бошқа моддага шунчаки муҳтоҷ эмас, балки бошқа моддага мажбуран белгиланган муайян низом асосида муҳтоҷ бўлади. Бу низом модда тарафидан яратилмаган. Борлиқдаги ҳар бир нарса модда бўлсада, низомлар (қонунлар) модданинг бир бўлаги ҳам, унинг бир хусусияти ҳам эмас.

Юқоридаги хulosаларнинг ниҳоятда тиник эканлигига қарамай, баъзилар лўнда, аниқ, равонликни хоҳламайдилар ва ишни чигаллаштирадилар. Бундай кимсалар ўйлайдиларки: «Низомлар, қонунлар ва нисбатларнинг манбаси борлиқдаги қандайдир бир бирикишdir. Ҳар бир модда бошқа моддага муайян бир низомга кўра муҳтоҷ бўлади. Мана шу низом (тартиб) эса нарсаларнинг борлиқда бирга йиғилиши бирикишидан ёки биргалиқда мавжуд бўлишиндан пайдо бўлган». Бу кимсалар бу ҳолатни «Борлиқдаги қандайдир бир бирикиш» деб номлайдилар. Бу бирикиш ҳамма нарсадан беҳожат, у ҳеч нарсага муҳтоҷ эмас деб ўйлайдилар.

Уларга раддия сифатида айтамизки:

I) Ақлий баҳс воқелик ва воқелиги бор яъни ўзини ёки аломатини ҳис қилиб бўладнган нарсалар устида бўлади. Ҳаёллар, фаразлар, фантазиялар устида қилинаётган баҳс ақлий баҳс бўлмайди, балки ҳеч қандай қиймати йўқ ҳаёл устида бўлаётган бўлади. «Ҳис қилинадиган нарсалардан бутунлай бошқа нарса борлиқдаги бирикиш (жамланиш) борлиги» хақидаги гаплар ҳам ҳаёл, фараздан ўзга нарса эмас. Чунки борлиқда бор бўлган қандайдир бирикиш (жамланиш) нарсаларнинг бирикиши жамланишидир. Нарсаларнинг бирикиши ҳар бир нарсадан бўлган ўзига хос хусусиятлардан фарқ қиласиган янги хусусиятлари бор бўлган бирорта янги нарсани пайдо қилмайди. Сезги аъзолари ҳис қиласиган ҳар бир нарса ўзидан бошқага муҳтоҷ бўлганлиги исботланган экан, борлиқдаги ҳар бир нарса муҳтоҷ бўлади. Демак бутун борлик ўзидан бошқага муҳтоҷждир. 2) Эътиборга олинадиган бирикиш (жамланиш) нарсаларнинг ўзидан келиб чиқадиган хусусиятларини бекор қила оладиган бирикишdir. Бу ҳолат масалан, ёндирувчи натрий билан заҳарли хлорнинг бирикишида ёки реаксияга киришишида рўй беради. Бу бирикиш натижасида ёндиришдиган ва заҳарли бўлмаган, балки организмга фойдали ош тузи пайдо бўлади. Борлиқдаги нарсаларнинг барчаси бирикиб ўз хусусиятларини йўқотган бирор ҳодиса борлиқда бўлганми? Улар айтиётган «ҳамма нарсадан беҳожат янги нарса» қаерда ўзи? Агар натрий ва хлор ўзларининг ҳақиқий хусусиятларини йўқотишган бўлса уларнинг ўзи борлиқдаги бошқа нарсалар билан бирикишидан пайдо бўлиб қолганми? Нега натрий айнан хлор билан бирикиб туз хосил қиляптию, бошқа нарсалар билан ҳам бирикиб туз

ҳосил қила олмаяпти? Бу ҳолаг унинг чекланган эканлигини билдирмайдими? Шу мулоҳазалар орқали «борликдаги қандайdir бирикиш бирор нарсага муҳтоj эмас» деган гапнинг нотўғрилиги ойдинлашади. Улар мавжуд нарса ҳақида эмас, хаёлий нарса ҳақида гапиряптилар. Ҳукм хаёлий нарсага эмас, мавжуд нарсага чиқарилади. «Борликдаги қандайdir бирикиш борлиги» ҳақидаги ҳикоя тўқима афсонадир.

Инсон чекланган. У ҳар бир нарсада муайян чегарагача ўсади, ундан нарига асло ўта олмайди. Тилло парчаси тилло жинсини (зотини), сувнинг бир томчиси сув жинсини гавдалантиргани каби ҳар бир инсон асосий сифатлар жиҳатидан инсон жинсини гавдалантиради. Ҳар бир инсон чеклангани учун инсон жинси ҳам чекланган бўлади. Яъни боши ва охири бўлади. Шу сифатга эга бўлгани учун ожиздир. Чунки у бўйини, умрини ёки бирор нарсасини зиёда қилишдан ожиз. У ноқис (камчилиги бор). чунки унда бир қанча нарсалар етишмайди. Бу нарсаларни ўзи пайдо қила олмайди, У муҳтоjдир, У сувга, хавога, озиқ-овқатга муҳтоj. У чеклангандир. Унинг бошланиш нуктаси {тукилган куни) ва тугаш нуктаси (вафот этадиган куни) бор. Ҳар бир инсон жинсини гавдалантиради. Инсон жинси эса ўлади. Бундан келиб чиқадики, инсон жинси чекланган, яъни маҳлукдир. Чунки ожиз, ноқис ва ўзидан бошқага муҳтоj нарса яратувчи-холик бўла олмайди. Демак яратувчи чекланмаган. Акс ҳолда маҳлук бўлиб қолар эди.

Шунингдек борлиқ ҳам чекланган. Чунки у жисмлар йигиндисидан иборат. Ундаги ҳар бир жисмнинг боши ва охири бор. Чекланган нарсаларнинг йигиндиси ҳам чекланган бўлади. Демак борлиқ чекланган яъни маҳлукдир.

Шу ўринда «чекланган» сўзи билан «саноқли» сўзини ўртасидаги фарқни ажратиб олишимиз лозим. Замонда бўладими ёки маконда бўладими боши ва охири бор нарсаларга «чекланган» сўзи қўлланади. Санаш мумкин бўлган нарсаларга «саноқли» сўзи қўлланади. Масалан, чўлдаги қум зарраларини санаш мумкин эмас. Бироқ унинг боши ва охири бўлгани учун чекланган ва ўз навбатида маҳлук бўлади. Шунингдек борлиқ ҳам сезги аъзолари осонлик билан ҳис қила олмайдиган даражада ёйилиб, чўзилиб кетганлиги уни чексиз эканини билдирмайди. Унинг жисмлари ва бўлаклари чекланганлиги учун борлиқни чекланганлиги ва маҳлуклиги маълум бўлади.

Ҳаёт эса, кўриниб турибидики, бир шахсда бошланиб, ўша шахсда поёнига етаяпти ва ўз навбатида у ҳам чекланган бўлади. Ҳаёт кўриниши ҳар бир шахсда алоҳида-алоҳида бўлгани учун бир шахснинг ҳаёти ҳаёт

жинсини гавдалантиради. Бундан келиб чиқадики, хаёт барча тирик мавжудотларда нихоясига етади, Демак хаёт чекланган яъни маҳлуқдир.

Инсоннинг сезги аъзолари хис қилаётган борлик, инсон ва хаёт чекланганлиги учун маҳлуқдирлар. Демак, инсон, борлик ва хаётни яратган бир яратувчи бор. У бу нарсалардан тамомила бошқа зотдир. У чекланиш ва муҳтоҗлик сифатларидан ҳолидир,

Шундай қилиб ёрқин фикрлаш орқали инсон, хаёт ва борлиқни яратган яратувчи борлигини билдиқ. Мана шу асосий муаммонинг ечими бўлиб, у тўғри уйгонишга олиб борувчи тўғри ечимдир. Чунки у тўғри асосга курилган бўлиб, ақлга асослангани учун ақлни қаноатлантиради ҳамда яратувчи зот Аллоҳ таолонинг борлигини тан олиши билан диндорлик гаризасини эътироф этганлиги учун фитратга мос келади.

Асосий муаммога тақдим этилаётган ечимларни мана шундай йўсинда ўрганилади ва бу ечимнинг асоси тўғри ёки нотўғрилиги ҳамда уйгонишни пайдо қилиш имконияти борлиги ёки йўқлиги идрок этилади. Ёрқин фикрлашга асосланган ушбу ечимга мувофиқ келадиган ечим тўғри фикрий асос ёки тўғри ақлий ақидага эга бўлган тўғри ечим бўлади. Агар мувофиқ келмаса ҳеч қандай қиймати йўқ, нотўғри, яроқсиз ечим бўлади. Энди кейинги фаслларда бизни тўғри уйгонишга олиб борувчи тўғри ечимни танлаб олишимиз учун асосий муаммога тақдим этилган ечимларни кўриб чиқамиз.

## 9 фасл

### **Фаръий ечимлар ва ақлий бўлмаган ечимлар**

Муқаддам айтиб ўтганимиздек, инсоннинг ҳозирги воқелигини тубан, расво воқеликдан юксак, тарақкий этган воқеликка ўзгартириш учун инсоннинг яаш тарзини ўзгартиришимиз керак. Унинг яаш тарзини ўзгартириш учун эса унинг фикрлари ва тушунчаларини шундай кучли, мустаҳкам равища ўзгартириш керакки, фикрий бўронлар ва моддий қийинчиликлар олдида ларзага тушмасин. Ўзгартиришга асос бўладиган фикрий асос (ёки фикрий пойdevor, ақлий ақида)ни вужудга келтириш билангина бундай ўзгартиришни амалга ошириш мумкинligини ҳам илгари айтиб ўтган эдик. Фикрий асоснинг тўғрилиги асосий муаммога ақлни қаноатлантирадиган ва фитратга мос келадиган ечим бўлишига таянишини айтиб ўтдик. Шунингдек ечим ақлни қандай қаноатлантиришини ва фитратга қандай мос келишини баён қилдик. Ўзгартириш ва уйгониш учун таклиф қилинган бир канча ечимлар бор. Энди биз уйгониш учун қилинадиган ўзгартириш жараёни асосланадиган фикрий асос, фикрий пойdevor бўлишга ярайдиган ечимни билиб олишимиз учун ва тўғри шартларга жавоб берадиган тўғри ечимни танлаб олиб, сўнгра тўғри уйгонишга эришиш учун бу ечимни маҳкам ушлаб, уни

хаёт майдонида вужудга келтиришимиз учун ўзгартириш ва уйғониш учун таклиф қилинган ечимларни ўрганиб чиқишимиз керак.

Уйғониш учун қилинадиган ўзгартыриш ғояси учун таклиф этилган ечимлар, фикрларни кўриб чиқсак улар асосан икки хил эканини кўрамиз:

1. Асос бўла олмагани ёки ақлий бўлмагани учун уйғонишга мутлақо ярамайдиган ечимлар, фикрлардир. Уларни четта улоқтириш учун ўрганилади.

2. Ақлий ақида ва фикрий асос бўлгани учун уйғонишга ярайдиган ечимлар, ақлий фикрлардир. Уларни орасидан тўғрисини танлаб олиш учун ўрганилади.

Бу фаслда биринчи тоифадаги ечимларни, кейинги фаслларда эса иккинчи тоифадаги ечимларни ўрганамиз,

Биринчи тоифадаги ечимлар икки кисмга бўлинади:

1. Куллий бўлмаган фаръий фикрлар.
2. Ақлий бўлмаган куллий фикрлар.

Биринчи кисмдаги фикрлар куйидагилардир: Қабила-уругчилик, иклимпарастлик, ватанпарварлик, миллатчилик, нақизм, фашизм, иқтисод, саноат, илм-фанлар, куролланиш, ахлоқ, қадриятлар. олий ғоялар орқали уйғониш ва хоказо фикрлар.

Бу ва шунга ўхшаш фикрлар ўзгартыриш ва уйғониш учун ярамайди. Чunksи улар бошқа фикрлардан келиб чиқсан фикрлардир. Масалан, давлат социализми фикри капитализмдан олинган.

Бу фикрлар фаръий (жузъий) бўлиб асос бўлишга ярамайди. Чunksи асос куллий фикр бўлиши ва инсон ҳаётини мустаҳкам, мутаносиб йўлда юргизувчи фикрлар ўша асосга таяниши зарур. Бунга сабаб, инсон барча ҳатти-харакатларини бир асосга таяниб қиласди. Ҳар хил асосларга таяниб иш юритса кўп адашади, хато қиласди.

Бу кисмдаги ечимларни асосий муаммога ечим сифатида тақдим этиб бўлмайди, Чunksи асосий муаммонинг ечими муҳим ишлардан бўлиб, у тақлиф этилаётган барча фикрларни уйғониш учун асос бўлишга яроқли ёки яроқли эмаслигини аниқлаб беради. Миллатчиликда, ватанпарварликда ёки шунга ўхшаш фикрларда асосий муаммога ечим йўқ. Мабодо бор бўлса ҳам у фикр бошқа ақида асосдан олнинган бўлади. Шундай экан, эътиборни ўша ақида асосга қаратиш яхшироқ бўлади. Демак бу кисмдаги ечимлар яроқсиз бўлиб, уларни улоқтириб ташлаш керак. Уйғонишга олиб борувчи ечимни пайдо қилишни хоҳласак бундай ечимларга аҳамият бермаслигимиз, улар хақида баҳслашмаслигимиз керак. Уларни фаръий фикрлар сифатида ва қатъий ақлий далил билан тўғри эканлигига, ақлни қаноатлантирувчи, фитратга мос келувчи эканига

ишенчимиз хосил бўлиб эътиқодимизга айланадиган ақлий ақида фикрий асосга муносиб келадиганини олишимизнинг зарари йўқ.

Иккинчи қисмдаги фикрлар уйгонишга ярамайдиган фикрлар бўлиб, асосий фикрлар бўлсаларда ақлий эмаслар. Булар христиан, яхудий, буддизм, зардуштий, брахман, мозданий, моний каби руҳий ақидалардир.

Мисол тариқасида келтирилган бу ечимлар уйгонишга ярамайди. Чунки улар ақлий бўлмаган фикрлар, ақидалар. Бу ақидаларга ақл ёрдамида эришилмаган. Балки инсонга қандай бўлса шундайлигича ўргатилган. Инсон ақли унинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиб, хотиржам бўлиши учун улар ҳақида ёки уларнинг асослари ҳақида фикрлашига бу ақидалар руҳсат бермайди. Масалан, христиан ёки яхудий дини асл холатидан ўзгартирилиб ҳозирги кунда қуруқ руҳий ақида бўлиб қолган. Улар ақлий ақида эмас. Шу сабабли уйгонишга асос бўлишга ярамайди. Чунки уйгониш асоси фикрин асос бўлиши яъни ақлга қурилган бўлиши керак. Асло таслим бўлишга, адаштиришга ва мажбурлашга асосланмаслиги керак. Агар асос ақлга қурилмаган бўлса ёки унга ақл ёрдамида эришилмаган бўлса, унинг тўғри ёки нотўғрилигига ақл ёрдамида ҳукм чиқарилмаган бўлса бундай ақида фикрий асос бўлишга ярамайди, Чунки бундай ақидалар ақлни қаноатлантирмайди. Ақлга зид бўлганлиги учун ақл уларнинг воқелигини кўрсата олмайди.

Бошқа тарафдан қаралса факат ақлий ақидадангина ҳаёт муаммоларини ҳал қилувчи низом (конун) балқиб чиқади. Бундай ақида илдиз ва шохлари униб чиқадиган тирик уругга ўхшайди. Илдизлар асосий муаммонинг ечимлари бўлса, шохлар ва мевалар бу тирик ақидадан балқиб чикувчи конунлар, муолажалардир. Ақлий бўлмаган ақида эса ўлик уругга ўхшаб, ундан ҳеч нарса балқиб чиқмайди. Ер устига ҳеч қачон кўтариilmайдиган, қуриган илдизлари бор қуруқ уруғлигича қолаверади. Шу туфайли асосий муаммога ечим сифатида тақдим этилаётган бу ечимлар— тўғрилиги ёки нотўғрилигидан катъий назар—ўзгартиришга, уйгонишга ярамайди. Инсон муаммоларини ҳал қиладиган низоми йўқлиги учун, ақлни қаноатлантирмагани учун улар ақлий эмас.

Юқорида ўтган фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, баҳс қилинган бу фикрлар (умумфикр бўладими ёки назарий фикр бўладими) уйгонишга ярамайди. Шунингдек ақлий бўлмаган ақидалар ҳам уйгонишга ярамайди. Инсоннинг бир қанча узвий эҳтиёжлари ва ғаризаларидан пайдо бўладиган муаммоларини ҳал қиладиган низом балқиб чикувчи ақлий ақидагина уйгониш учун яроқлидир. Келгуси фаслда уйгонишга эришиш учун тўғри ақлий ақидани тушуниб олиш ва танлаб олиш учун ақлий ақидани баҳс қиласиз, унинг муҳим аломатларини белгилаймиз.

## 10 фасл

### Уйгониш учун яроқли ақлий ақидалар

Олдинги фаслда ўзгартириш учун асос бўлишга ярайдиган фикрий асос, фикрий пойдевор хақида баҳс юритганимизда кўплаб ечимларга дуч келдик. Уларнинг баъзилари (фаръий, умумфирклар, ақлий бўлмаглн ақидалар) асос бўлишга мутлақо ярамайди. Уларни шархлаб ҳам ўтдик. Баъзилари эса ўзгартириш ва уйғонишга асос бўлишга ярамайди. Бу фаслнинг мавзуси шулар ҳакида,

Уйғониш йўлида таянса бўладиган асос бўлишга ярайдиган ақлий ақидани ахтарсак, учта ақлий ақида (Ислом, социализм, капитализм)гина борлигини кўрамиз. Бошқалари эса уйғонишга асос бўлишга ярамайди. Айтиб ўтганимиздек улар куллий бўлмаган умумфир ёки фаръий фикр ёки инсон узвий эҳтиёжлари ва гаризаларини қондиришдан келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилувчи низом балқиб чиқмайдиган, ақлий бўлмаган руҳий ақидалардир.

Ақлий ақиданинг бир сифати ундан низом (ҳаёт қонунлари) балқиб чиқади. Инсон муаммоларини ҳал қилувчи низом балқиб чиқадиган ақида «мабда» дейилади. Лугатда мабда сўзи масдар мими бўлиб «бадаа, ябдау, бадоун, мабдаун» бошламок феълидан олинган. Барча мутафаккирлар истилоҳида (терминида) мабда сўзи «фирклар унга асосланадиган фикрий асос» маъносида кўлланилади. Мабда сўзи инсонлар орасида кўп кўлланилади. Масалан, бир шахс айтадики: «менинг мабдаим ростгўйлик» яъни у айтмоқчики «ҳамма ишларимга, ҳатти-харакатларимга ростгўйликни асос қилиб олганман». Яна бир шахс айтадики: «менинг мабдаим вафодорлик», яъни «вафо қилишни барча муаммоларимга асос қилиб олганман».

Аслини олганда ростгўйлик, вафодорлик, ўзаро ёрдамлашиш, яхши кўшничилик ва иқтисод, қонун мабдалари (принциплари) мабда эмасдирлар. Балки улар фикрлар ва қонунлардир. Чунки истелоҳда мабда сўзи фикрий асосни билдиради. Юқоридаги (вафодорлик, ростгўйлик, иқтисод ва бошқалар) фаръий фикрлардир. Бу фикрлар устига бошқа фикрларни қурилиши, асосланиши уларни (вафодорлик, иқтисодни) фикрий асос, мабда қилиб қўймайди. Бундай фикрлар бошқа асосдан келиб чиқкани учун асосий фикрлар бўла олмайди. Умуман олганда ростгўйлик ахлоқ фикрлари асосий фикрдан олингани учун асосий фикрлар хисобланмай, фаръий фикрлар хисобланади. Ростгўйлик асоснинг бир жузъидир. Чунки у мусулмонлар наздида Қуръондан олинган шаръий хукмдир. Капиталистларда эса фойдали, чиройли сифат хисобланади.

Фикрий асос шундай фикрки ундан муқаддам бирор фикр мутлақо мавжуд эмас. У борлиқ, инсон ва ҳаёт ҳақидаги куллий фикрdir. Бу куллий фикрдан бошқа асосий фикр бўлмайди. Бу фикр ҳаётнинг асосидир. Чунки инсон асосий муаммога ечим бўлган фикрий асос

бўлсагина хаётда аниқ бир йўналишда событ юра олади ва хотиржам бўлади. Акс ҳолда фикрий ечими бўлмаган инсон бекарор, безовта, субутсиз ҳолда яшайди.

Шундан келиб чиқадики, борлик, инсон ва ҳаёт ҳақидаги куллий фикр асосий фикрдир, фикрий асос ёки фикрий пойдевор ақидадир. Бу ақида фикр бўлсагина яъни у ақлий баҳс устига курилган бўлсагина ундан фикрлар балқиб чиқади ва унга асосланади. Агар бу ақида ақл ишлатилмасдан сўзсиз таслим бўлинадиган ақида бўлса ёки қандай бўлса шундайлигича ўрганиладиган ақида бўлса—тарчи уни ақида деб номлаш тўғри бўлсада—бундай ақида фикр бўла олмайди ва куллий фикр деб аталмайди.

Шунинг учун инсон куллий фикрга ақлни ишлатиш орқали эришган бўлиши зарур. Шундагина у ҳаёт муаммоларининг муолажалари бўлган фикрлар балқиб чиқадиган ва барча фикрлар асосланадиган ақлий ақида бўлади. Шу сабабли мабда ундан низом (ҳаёт қонунлари) балқиб чиқадиган ақлий ақида деб таърифланган.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, капитализм мабдадир. Чунки у низом ундан балқиб чиқадиган ақлий ақидадир. У ҳаёт муаммоларини ҳал қилувчи фикрлардир. Социализм мабдадир, Чунки у низом ундан балқиб чиқадиган ақлий ақидадир. У ҳаёт муаммоларини ҳал қилувчи фикрлардир. Ислом мабдадир. Чунки у низом ундан балқиб чиқадиган ақлий ақидадир. У ҳаёт муаммоларини ҳал қилувчи шаръий хукмлардир.

Шу нарса аниқ равшан бўлиши лозимки, бирор мабдада ақида ва низом (ҳаёт қонунлари)ни бўлиши бу мабда татбиқ этиш учун яроқли мабда эканини билдирамайди. Балки уни мабда эканлигини билдиради холос. Мабдани татбиқ қилишга ва унинг асосида уйғонишга яроқли қилиб қўядиган нарса мамлакат ичкарисида уни қандай татбиқ этишни ва мамлакат ташқарисига қандай ёйишни, мабдани қандай муҳофаза қилишни баён қилувчи тариқат (кайфиятлар)дир. Агар мабдада шундай тариқат (кайфиятлар, амалий йўл) бўлмаса, у эгаларининг мияларида, китобларнинг қорнида қолиб кетувчи қуруқ фикр бўлиб қолаверади. Худди «Афлотун жумхурияти» ёки Томас Морнинг «Утопия» асари ёки Фаробийнинг «Фозил шаҳар» асари каби.

Исломни ижро қилишда ўз тариқати бўлиб у давлат ва шахс тақвосидир. Социализм ва капитализмни ижро қилиш тариқати давлатдир. Ислом ўз мабдасини мамлакат ташқарисига жиҳод қилиш орқали, капитализм эса мустамлака қилиш орқали, социализм эса коммунистик партиялар орқали ёяди.

Демак мабда фикрат ва тариқатдан иборат. Фикрати ақида яъни борлик, инсон ва ҳаёт ҳақидаги куллий фикр (acosий муаммонинг ечими), ҳамда низом (ҳаёт муаммоларининг ечимлари)дир.

Тариқати эса юқорида айтилган кайфиятлардир. Фикрат ва тариқатнинг борлиги мабдани татбиқ этишга яроқли эканини ва татбиқ этиш мумкинлигини билдиради. Лекин мабадани тўғри эканлигини билдирамайди. Буни, илгари айтганимиздек, мабданинг асоси тўғрилиги билдиради. Мабданинг асоси ақлни қаноатлантирса ва фитратга мос келса тўғри асос бўлади ва ўз навбатида мабда ҳам тўғри бўлади. Акс ҳолда бузук, нотўғри мабда бўлади.

Мабда пайдо бўлишига келсак уни ё инсон ақли ўйлаб топади ёки ёрқин фикрлаш билан қатъий далил орқали борлигига ишончимиз комил бўлган Холиқ-у мудаббир Аллоҳ таоло тарафидан ваҳий билан юборилади.

Инсон тарафидан ўйлаб топилган мабда нотўғри мабдадир. Чунки инсон чекланган яъни ожиз, ноқис ва муҳтождир. У ишлаб чиқсан нарсаларда ҳам шу сифатлар бўлади. Шу сабабли инсон ўйлаб топган мабда ожиз, нуқсонли ва зиддиятли бўлади. Чунки инсоннинг тушуниши қарамакаршилик, ихтилоф ва ўзи яшаб турган мухит билан таъсирланишга нишондир. Инсон кеча тўғри деб билган нарсани бугун хатога, кеча хато деб билган нарсани бугун тўғрига чикаради. Ўз-ўзидан инсон тузган қонунлар инсон воқелигини инсон сифатида қамраб олишга ва унга керакли ҳар бир нарсани билишга ожизлик қиласи. У ўйлаб топган мабда бир замон ва маконга тўғри келса бошқа замон ва маконга туғри келмайди. Илоҳий мабда эса энг тўғри мабда бўлиб, унда хато-камчилик бўлмайди. Чунки яратувчи зот маҳлукотларни узи яратгани учун улардаги ҳар бир зарра унга маълумдир. Шундай яратувчи зотгина инсонга баҳт-саодатни, хотиржамликни кафолатловчи низомни тузишга қодирдир.

Мабдани нима эканлигини тўғри тушуниб олгач унинг асосида уйғониш мумкин бўлган Фақат учта мабда борлигини кўрамиз. Бу уйғониш албатта тўғри уйғониш бўлиши шарт эмас. Мабда юқорида зикр килинган шартларга жавоб берсагина тўғри уйғонишни ҳосил қила олади

Килаётган фаолиятимиздан максад бўлган уйғониш мавзусида мабдалар аҳамиятли бўлгани учун кейинги бобларда уларни батафсил шархлаб ўтамиш. Бу мабдалар куйидагилар:

1. Капитализм мабдаси.
2. Социализм мабдаси
3. Ислом мабдаси

## 11 фасл

### Капитализм мабдадир

Капитализм динни ҳаётдан ажратиш асосига қурилган. Бу фикр унинг фикрий асосидир. Шу асосга кўра инсон ҳаёт низомини ўзи тузади. Маълумки, асос (фикрий пойdevor, ақида) билан шу асосдан балқиб

чикувчи низом бир-бирига мос, мутаносиб бўлади. Агар асос яратувчи зотнинг маҳлуклар (борлик, инсон ва ҳаёт)га алоқаси йўқлигини белгилаб берса, ўз-ўзидан низомни тузиш ҳукуки инсонда бўлиб қолиши шарт бўлиб қолади. Чунки инсон воқелик билан собиқ маълумот ўртасини боғлашга ва ихтиро қилишга яроқли мияси борлиги учун ҳаёт низомини тузишга қодир ягона маҳлукдир.

Шу холосадан тўртта эркинлик фикри вужудга келди. Улар куйидагилар:

1. Сўз эркинлиги. Уни сиёсий эркинлик деб ҳам атайдилар. Бу эркинлик ҳар бир инсонга халқнинг умумий ҳаётини белгилашда, унинг йўналишларини тузиб чиқиша, риоя қилинадиган қонунларни ишлаб чиқиша, бу қонунларни ҳимоя қиласиган ҳокимиятни тайинлашда қатнашиш ва ўз мулоҳазаларини билдириш ҳукукини беради.

2. Мулк ёки иқтисодий эркинлик. Бу эркинликка кўра ҳар бир шахс истаган нарсасига истаган миқдорда, хоҳлаган йўл билан эга бўлиши мумкин. Шахслар шахсий манфаатларига кўра ишлаб чиқариш ёки иsteъmol қилишлари учун мулкка эга бўлиш имкониятига эга бўлишлари учун давлат иқтисод майдонларидағи эшикларни шахслар учун кенг очиб қўйиши шарт.

3. Эътиқод эркинлиги ёки фикрий эркинлик. Бу эркинликка кўра ҳар бир инсон ўзи хоҳлаган ақида ва фикрларни қабул қилиш ва истаган пайтда улардан воз кечиш ҳамда бу ақида ва фикрларни ҳимоя қилиш, бирор тўсиққа учрамай уларни ошкор эълон қилиш ҳукуқига эга.

4. Шахсий эркинлик. Бу эркинлик инсонга ўз шахсий турмуш тарзини ўзи хоҳлаган суратда ўтказиш эркинлигини беради ва бунга тўсқинлик қиласиган ҳар қандай ҳолатни тақиқлайди. Инсон ўзини ва жисмини истанганча тасарруф қилиши мумкин. Ўз ҳаётини ўзига ёққан шаклда белгилаши, ўзи хоҳлаган урфодатлар, анъаналар, қадриятларни қабул қилиши ва улардан воз кечиши мумкин. Чунки булар унинг ўзига хос бўлган ишлардир.

Инсон ўзи истаган нарсага истаган миқдорда истаган йўли билан эгалик қилишига рухсат берувчи мулк (иқтисод) эркинлиги алоҳида бир табакани йирик бойлик эгалари табакасини пайдо қилди. Уларга капиталистлар яъни йирик бойлик эгалари деб ном қўйилди. Энди улар ғарбда низом (тузум)нинг ҳақиқий хўжайнлари бўлиб қолдилар. Шу сабабли динни ҳаётдан ажратиш фикрлари «капитализм» деб номланди. Чунки нарсага ном беришда унинг энг кўзга ташланадиган қисми эътиборга олинади.

Халқ ўзига татбиқ этиладиган низомни танлаб олиш ва ўзи хоҳламайдиган низомни рад этиш ҳамда халқ танлаган низомни татбиқ этиши учун ҳокимни ижарага олиш ҳукукини берувчи демократия шу

мабда ақидасидан яъни динни ҳаётдан ажратиш фикридан келиб чиқкан. У айниқса сўз эркинлигига яққол кўзга ташланади.

Демократия ушбу мабдадан келиб чиқкан ва низомнинг асосий қисми, умуман олганда унинг низоми бўлсада, бироқ мабдадаги энг кўзга ташланган нарса эмас ва иқтисодий низомдан ҳам устун эмас, Бунга ғарбда иқтисодий низомни хукумат низомига кучли таъсири борлиги далил бўлади. Масалан, Америкадаги президент сайловларида «Женерал элетрик» «Женерал моторс» каби йирик ширкатлар капиталистларини сайловлар натижасига, давлат раислиги ва унинг мајлисларига кучли таъсири яққол сезилиб туради. Гўёки капиталистлар бу мамлакатнинг ҳақиқий хўжайинлари бўлиб қолишган.

Бундан ташқари, демократия факат ғарбгагина хос бўлмай, Россия ҳам, учинчи олам давлатлари ҳам демократияни даъво қиласидар. (Ҳаммаси Лайли билан учрашдим деб даъво қиласиди. Лайли эса уларнинг бирортасини кўрмаган), Шундан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, демократия динни ҳаётдан ажратиш мабдасидаги энг кўзга ташланган нарса эмас. Шу сабабли бу мабдани демократик мабда деб эмас, капиталистик мабда дейиш ўринлироқ.

Динни ҳаётдан ажратиш динни яъни борлик, инсон ва ҳаётнинг яратувчиси борлигини, қайта тирилиш куни ва бир жойга йифилиш ҳамда ҳисоб-китоб қилинишини зимдан тан олади. Чунки юқорида зикр қилинган нарсалар дин асослари ҳисобланиб, дин сўзи шу маъноларни ўз ичига олади.

Ушбу тан олиш борлик, инсон ва ҳаёт ҳақидаги куллий фикр бўлиб, ўз навбатида асосий муаммонинг ечимиdir. Капитализм динни тан олсада яратувчининг ҳаёт ишларига аралашишини инкор этади ва яратувчининг ролини эътибордан четда қолдиради. Динни яратувчи билан маҳлук ўртасидаги алоқага, ибодатга чеклаб кўйди. Бу алоқа маълум бир соатларда ва ибодатхоналарда рўёбга чиқади.

Кискача қилиб айтганда капитализм мабдадир. Чунки унда инсоннинг асосий муаммосини ҳал қиласидиган ва унинг барча саволларига жавоб берадиган ақида (фикрий асос динни ҳаётдан ажратиш) бор.

Бу асосдан низом (муолажалар) балқиб чиқади. Бу низомга кўра инсон ўз муаммоларини ўзи ақли ва ижтиходига суюниб ҳал қиласеради. Узвий эҳтиёжлари ва гаризаларини ўзи муносаб кўрган тарзда қондиради. Шундан низом фикрий асосга мутаносаб эканлиги, иккаласи бир жинсдан олингани маълум бўлади. Ақида ҳам, низом ҳам «яратувчи зот ҳаёт ишларига аралашмасин» дейди.

Шу туфайли капитализм мабдадир. Чунки унда борлик, инсон ва ҳаёт хақидаги куллий фикр бор. Асосий фикр бўлгани учун эътиқод қилишга яроқли ақидадан ушбу куллий фикр балқиб чиқкан.

Капитализмда инсон узвий эҳтиёжлари ва ғаризаларидан пайдо бўлувчи муаммоларни ҳал қилувчи низом (конунлар) борлиги учун татбиқ қилишга яроқли мабдадир.

Хулоса шуки, капитализм фикрат ва тариқатдан иборат. Юқорида айтиб ўтилганидек, фикрати ақида ва муаммоларни ҳал қилувчи низомлариридир. Тариқати эса бу мабдани қабул қиласан халққа уни татбиқ қиласидан ижро килиш йўли борлигида яққол кўринади. Оламнинг катта қисмини эгаллаган Америка ва Европада бу мабда ўз тариқати давлат орқали татбиқ қилинаётгани бунга далил бўлади.

Унда мабдани ёйиш, бошқа халқларни даъват қилиш йўли бор. Бу йўл мустамлака қилишдир. Юқорида зикр қилинган давлатлар узоқ вақт мобайнида дунёнинг катта қисмини амалда мустамлака қилиб бўлди. Мустамлакачилик капитализм мабданини бу халқларга турли йўл, услублар билан ёйишга ҳаракат қиласиди.

Капитализмда мабдани муҳофаза қилиш ва инқирозга учрашини олдини олиш тариқати бор. Бу тариқат шуки, мабда инсонлар манфаатларини рўёбга чиқаради, ҳеч қачон уларнинг манфаатлари, хоҳиш истакларига қарши чиқмайди. Бунинг оқибатида инсонлар бу мабдани бокий қолишини, йўқолиб кетмаслигини хоҳлайдилар.

Кўриниб турибдики, капитализм мабда бўлиб, уни татбиқ этиш, унинг асосида уйғониш мумкин. Унга эътиқод қиласан халқлар унинг асосида ўзларини ўзгартириб, уни татбиқ этиш натижасида уйғониб кетганликлари хаммага маълум. Бироқ бу уйғониш тўғри ёки нотўғрилигини кейинги фаслда баён қиласиди.

## 12 фасл

### Капитализм ақл ва фитрат тарозисида

Капиталистик ақида ақлни қаноатлантирумайди. Ақл уни тўғрилигига тўлиқ ишонч ҳосил қиласиди. Буни сабаби ғоятда содда ва лўнда. Бу ақида асосий муаммони ҳал қилиш ҳақида бош қотирмади. У асосий эътиборини дин арбоблари, подшолар билан худосиз муфаккирлар ўртасидаги жанжални бартараф этишга қаратди. Гарчи бу жанжални тинчтиш натижасида асосий муаммога ечим пайдо бўлган бўлса ҳам, бу ақида жанжаллашаётган икки тарафни муросага келишириш мақсадида фаолият кўрсатиб, ҳал қилиш керак бўлган масала қолиб, бутунлай бошқа масалани ҳал қилди.

Асоси динни ҳаётдан ажратиш бўлган капитализм мабдаси Европада диний арбоблар, подшолар билан муфаккир файласуфлар ўртасидаги қонли тўқнашувлар натижасида юзага келди. Тўқнашаётган иккала тараф

ҳам инсонлар ҳаётини тартибга солувчи қонунлар тузиш унинг хаққи эканлигини даъво киларди. Дин арбоблари ва подшоларнинг фикрича, Худо уларга қонун чиқаришда илоҳий ҳукуқни берган ва уларни бошқа одамлардан азиз (муқаддас) қилган. Шунга кўра, инсонларни бошқариш, қонун чиқариш уларнинг ҳукуқидир. Иккинчи тараф эса бу даъволар дин арбобларининг ўзлари ўйлаб чиқарган тўқима афсоналар деб билардилар.

Икки тараф ўртасидаги қураш узоқ вақт давом этди. Бу вақт мобайнида подшолар халқлар қонини сўриш ва эксплуатация қилиш учун уларга ўз ҳукмронлнкларини ўтказиш мақсадида дин арбобларини восита қилиб олган эдилар. Дин арбоблари ҳам айнан шу ишни дин номидан қилардилар. Файлсуфлар эса динга алоқадор ҳар бир нарсани буткул йўқ қилишга интилардилар Бунга дин арбоблари ва подшоларнинг хунук қилмишлари, расво ҳаракатлари сабаб бўлган эди. Улар аслида динга алокаси йўқ ва динни суратини хунук қилиб кўрсатувчи кўплаб ишларни қилдилар. Масалан, гуноҳларни сотиб олиш мумкин бўлган индулғенкнялар ва барча ҳукуқлардаи маҳрум қилувчи қонунлар чиқардилар,

Ахвол шундайлигича икки тарафни муросага келтириш учун учинчи гурух аралашгунча давом этди. Бу гурух муаммога ўз ечимини—ўртача ечимни—таклиф этди, Бу ечим натижасида динни ҳаётдан ажратилди. Сўнгра бу ечим «илмоний» (динни ҳаётдан ажратиш) деб, ечимни ўйлаб топғанларни эса «илмонийлар» (динни ҳаётдан ажратувчилар) деб номланди.

Жанжални ҳал қилиш натижасида ўртачи ечим вужудга келди ва омма орасига ёйилди. Бундан бўён диннинг борлиги ёки йўқлиги ҳақида яъни Яратувчи борлиги ёки йўқлиги ҳақида баҳс қилинмайдиган бўлди. Бошқача қилиб айтганда, асосий муаммо ҳал қилинмайдиган, инсонларни хайронликларида, залолатларида адашибулоқиб юришларида ташлаб кўйишига келишиб олинди.

Кўриннб турибдики, капитализм мабдасининг пойдевори бўлган ечим (асос, ақида) ақлга асосланмаган. Яъни асосий муаммо ақлий баҳс юритиши билан ҳал қилинмаган, балки капитализм ақидаси ўртача ечим (муросасозлик) асосига қурилган. Жанжалашаётган тарафларнинг даъволари (фикрлари) тўғри ёки нотўғрилиги текширилмади. Буни текшириш ўрнига бир-бирига қарамақарши нуқтаи назарларни ўзаро яқинлаштирилди, муросага келтирилди,

Маълум бўляптики, капитализм асосий муаммони ҳал қилиш учун бош котирмади. Барча жанжални тинччиши оқибатида асосий саволларга жавобни ташкил этган куллий фикрни топган бўлсада. Бу жавоблар нарсанинг пайдо бўлиш ҳақиқатини билиш ва улар ҳақида тўғри фикрни

бериш мақсадида нарсаларнинг воқелигини текшириш асосида пайдо бўлмаган эди. Бу жавоблар гўё тўсатдан учраб қолган ёки ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган жавоблар эди.

Шундан қатъий хулоса қилиш мумкинки, капиталистик асос ақлий яъни уни ақл идрок этиши, тушуниб этиши мумкин бўлсада, бироқ ақлга курилмаганлиги учун яроқсиз, бузук асосидир. У асосий муаммони ақлни қаноатлантирадиган тарзда ҳал қилмади. Ақл тарафидан нотўғри асос бўлгани учун тўғри уйгонишга олиб бормайди. Бизнинг мақсадимиз тўғри, кучли, мустаҳкам уйгониш бўлгани учун асоси ақлни қаноатлантирумайдиган бу нотўғри мабдани четга улоқтиришимиз зарур.

### **Капитализм ва фитрат**

Айтиб ўтдикки, фитрат узвий эхтиёжлар ва ғаризалардан иборат бўлиб, уларнинг энг муҳими диндорлик ғаризаси ҳисобланиб, қолган Гаризалар бевосита унга бориб боғланади. Ўртacha ечим (динни ҳаётдан ажратиш) фикратини текшириб кўрсак, бу ечим диндорлик ғаризасига мос келмаслигини кўрамиз. Чунки диндорлик ғаризаси яратувчи зот тарафидан берилган тартибга биноан қондиришни тақозо этади. Бу ғариза яратувчини рози қилиш мақсадида унга ибодат қилиш билан қонади. Яратувчи зотни нима рози қилишини яратувчининг ўзи билади. Инсон яратувчини қандай рози қилишни Яратувчининг ўзи билдирсагина билади. Бунинг сабаби шундаки, сезги аъзолари яратувчининг зотини хис кила олмайди. Диндорлик ғаризасини қондирадиган инсон билан яратувчи ўртасидаги алоқа бўлган тартиб яратувчи тарфидан келмаса, инсон бу ғаризани хато, нотўғри йўллар билан қондиради, Яъни инсонда хотиржамликни пайдо қилувчи тарзда қондирмайди. Бундай тартиб тузишни инсонга топшириб қўйиш натижасида инсон яратувчига нотўғри йўллар билан ибодат бошлади. Бу эса ўз навбатида турли туман тўқима, асосиз афсоналарга, залолат адашишларга олиб боради.

Яратувчининг хаётдаги ролини эътиборсиз колдириш диндорлик ғаризасига зиддир. Бу ғариза борликда яратувчи хукмрон эканлигини, инсон муаммоларини инсонга хотиржамлик, баҳт саодатни кафолатладиган тарзда қондиришга кафил бўлувчи низом (конунлар)ни тузишга ўша зотгина кодирлигини хис килади.

Бундан ташкари капитализм яратувчи борлигини зимдан тан олсада, яратувчини хақиқий суратда, пухта асосда тан олмади. Яратувчини «борлиги аниқ хақиқат» деб эмас, балки «чиройли фикр» деб ҳисоблади. Шундай қилиб бундай фикр биринчи тўқнашувдаёқ чил парчин бўлади, капитализм Яратувчи хақида берган фикридан пайдо бўлган вақтинчалик ечим асосида вужудга келган вақтинчалик хотиржамлик барҳам топади.

Энди маълум бўладики, капитализм ақлни каноатлантирумайди ва фитратга мос келмайди. Демак у тўғри уйғонишга олиб бормайдиган мабдадир.

Бу мабданинг бузуклиги, ярамаслигини таъкидловчи баъзи бир капиталистик қараш (назария)ларни кейинги фаслда баён қиласиз

